



ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



Қўсарой қароргоҳида 15 ноябрь куни икки давлат етакчилари ўртасида тор доирадаги музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон стратегик шериклар ҳамда тараққиёт йўлидан биргаликда бораётган ишончли иттифоқчилардир. Бу икки давлат раҳбарларининг минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, узоқ муддатли шерикликни ривожлантириш борасидаги қарашлари ўзаро мос келаётганини кўрсатади.

Транспорт-коммуникация йўлакларини шакллантириш, энергетик ҳамкорликни чуқурлаштириш, экология масалаларида ҳамжиҳат позиция шаклланиши муносабатларнинг янги босқичга кўтарилганининг амалий исботидир. Бу йўналишларда қўлга киритилаётган натижалар нафақат икки томонлама манфаатни, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамиятни ифодалайди.

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик ҳам изчил ўсмоқда. Икки томонлама савдо ҳажми-ни ошириш бўйича қўйилган мақсадлар амалий қадамлар билан мустаҳкамланмоқда.

Ушбу давлат ташрифи Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари тарихида янги босқични бошлаб бериши таъкидланди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида Тошкентда Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форуми, Қозоғистон тиббиёти кунлари, қозоқ фильмлари намойиши, Остона кунлари ва бир қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди.

Йилнинг ўтган даври мобайнида товар айирбошлаш сезиларли даражада ўсди. Юк ташини ҳажми ортмоқда, шаҳарлар ўртасида ҳафтасига 40 дан ортиқ авиақатновлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда 6,5 мингта қўшма корхона ташкил этилди ва устувор тармоқларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Саноат кооперациясини ривожлантириш учун 8 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги лойиҳалар портфели тайёрланди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш таклиф қилинди.

Музокаралар давомида энергетика, транспорт, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, агроф-мухитни муҳофаза қилиш, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларда ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Худудлараро алоқаларни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Икки мамлакат худудлари раҳбарларининг биринчи Кенгаши 2026 йилда Қозоғистонда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳам фикр алмашди.

Шундан сўнг Қўсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йилда таъсис этилган Олий давлатлараро кенгаш формати ўзининг долзарблиги ва самарадорлигини кўрсатганини таъкидлади.

— Муносабатларимиз бугунги кунда энг юқори — стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Томонлар ҳамкорлигини янги йўналишларини, икки томонлама салоҳиятдан фойдаланиш йўллари баттафсил

муҳокама қилдилар ва Ўзбекистон — Қозоғистон шериклигини кенгайтиришга сезиларли туртки берадиган бир қатор қарорлар қабул қилдилар.

Ўзаро савдонинг барқарор ўсишини таъминлаш, унинг таркибини диверсификация қилиш ва бизнес учун қўлай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш 4 миллиард долларга етгани мамнуният билан қайд этилди. Бу кўрсаткични 2030 йилгача 10 миллиардга етказиш мақсад қилинган.

Бунинг учун барча зарур шароитлар яратилган, савдо ва инвестиция битимларининг салмоқли тўплами шакллантирилган, “ЎзКазТрейд” компанияси таъсис этилган, ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз етакчиси саноат кооперацияси соҳасида эришилган катта муваффақиятларни қайд этди.

Ташриф доирасида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази ҳамда 1,3 миллиард долларлик қатор муҳим лойиҳалар ишга туширилади. Бундан ташқари, умумий қиймати 8 миллиард доллардан зиёд бўлган, жумладан, кимё, геология, инфратузилма, логистика, агросаноат ва кўплаб бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган кенг қўламли Саноат кооперацияси дастури тайёрланди.

Транспорт ва логистика соҳасида тизимли шериклик устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Янги транспорт йўлакларини, шу жумладан, “Учкудук — Қизилўрда” йўналишини яратиш, Ақтау, Қуриқ ва Хоргос портларида юк ташини рабатлантириш бўйича биргаликда ишлаш зарурлиги қайд этилди.

► Давоми 2-бетда

ОЗАРБАЙЖОН БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.



Сўхбат аввалида Илҳом Алиев Ўзбекистон етакчиси Маслаҳат учрашувида иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, қардош Озарбайжон Президенти ва халқини жорий йил 8 ноябрь куни нишонланган Ғалабанинг беш йиллиги билан самимий табриклади.

Ўзбекистон Президентининг шу йил июль ойида Озарбайжонга давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Барча даражаларда самарали алмашинувлар давом этмоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошди. Автомобилсозлик, энергетика, туризм ва бошқа тармоқларда саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳалар фаол паллага кирган.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги учрашув ва тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашди.

Олий даражадаги келишувларнинг ижроси, биринчи навбатда, товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат, транспорт, энергетика ва инфратузилма соҳаларидаги муҳим кооперация лойиҳаларини амалга

оширишни жадаллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Фаол худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентлар минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА

ИТТИФОҚЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қўсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.

Етакчилар Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзаро савдонинг кўпайтириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар ва самарали худудлараро алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Берdimuxamedov 16-17 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги музокаралар кун тартибига Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, сув-энергетика, маданий ва гуманитар соҳаларда кенгайтириш масалалари киритилган.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари “Шовот-Тошовуз” чегараолди савдо зонасининг очилиш маросимида иштирок этишади.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари халқаро ҳамда минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашадилар.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилиниши ва икки томонлама

ҳужжатлар тўплами имзоланиши режалаштирилган.

Туркменистон Президенти, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этади.

ЎЗА

УМУМІЙ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЯНАДА ЯҚИНЛАШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган минтақа мамлакатлари ва Озарбайжон Президентлари Ўзбекистон Президенти билан биргаликда Тошкентдаги Ислон цивилизацияси марказига ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган марказ ислон цивилизациясининг бебаҳо меросини асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга бағишланган ноёб манбалар, илмий тадқиқот ва таълим йўналишларини бир жойга жамлаган тарихимиздаги илк мажмуа бўлди.

Мажмуа миллий меъморий анъаналар ва

замонавий безаклар уйғунлигида барпо этилди. Иншоотнинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўрта қисмида эса 65 метрли миллий услубдаги гумбаз қад ростлаган.

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров,

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Президент Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида мусулмон оламининг бебаҳо маънавий дурдонаси саналган Усмон Мухаммад сақланган Қуръони карим залига ташриф буюрдилар.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бошланиши 1-бетда

Энергия ресурсларини ташиш ва қайта ишлаш, энергияни тежаш, “яшил” технологиялар ҳамда ахборот технологияларини жорий қилиш соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

Сув-экология соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилади. Томонлар ташриф доирасида Трансчегаравий сув объектларини биргаликда бошқариш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзолашсини олқишладилар.

Етақчилар гуманитар алоқалар алоҳида ўрин тутганини қайд этдилар. Жорий йилда Олмаота ва Остона шаҳарларида қўшма маданий тадбирлар — “Лағзи” балети, рассомлар кўргазмаси, адабиётчилар форуми ва ёшлар фестивали, шунингдек, Ўзбекистонда Қозоғистон тиббиёти кунлари ва Тошкент шаҳрида Остона кунлари муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қайд этилди.

Фан ва таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашинувларни давом эттириш, олий таълим муассасалари билан қўшма дастурларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Қўшма сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг тарихий қадимжолари, бой маданий ва маънавий меросини оммалаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, музокаралар кун тартиби юзасидан Бош вазирлар ўринбосарлари, энергетика, транспорт ва маданият вазирларининг ҳисоботлари тингланди.

Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши якунида бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Хусусан, “Марказий Осиё” Халқаро санонат кооперацияси маркази ва “Tenge Bank”нинг Тошкентдаги янги бош офиси ишга туширилди.

Шунингдек, “Silkway Central Asia” кўп тармоқли логистика маркази, чиқилки алкилбензол ишлаб чиқариш қувватлари, Янги Тошкентда “Остона” мавзеси ҳамда пойтахтларда “Тошкент” ва “Остона” меҳмонхона мажмуалари қурилиши бошланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ушбу лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Сўнг Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевга Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденини топириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотни топираар экан, Қозоғистон Республикаси Президентининг икки қардош халқ ўртасида дўстлик, яқин қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги улкан шахсий хизматларини алоҳида қайд этди.

Биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлар туфайли икки халқ ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги тараққиёт даражасига чиқиб, намунали аҳамият касб этгани таъкидланди. Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, бизнес, жамоатчилик ва ёшлар фаол ҳамкорлик қилмоқда. Маданий ва гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг глобал миқёсда тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш, шунингдек, минтақамизда ишонч, ўзаро ҳамжиҳатлик ва шериклик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги сайёҳ-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига бундай юксак мукофот учун миннатдорлик билдирди ҳамда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва иттифоқчилик руҳидаги муносабатлар янада мустаҳкамлалишига ишонч билдирди.

Самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнот имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари Олий давлатлараро кенгашнинг геология, нодир ер металларини қазиб олиш, трансчегаравий дарёлар оқимини прогноз қилиш бўйича икки томонлама ишчи гуруҳларини ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлари раҳбарларининг кенгашини тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилдилар.

Ташриф давомида яна бир қатор ҳужжатлар имзоланди, жумладан:

- Трансчегаравий сув объектларини биргаликда бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги битим;
- Боқхона хизмати ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги битим;
- Чегараолди ҳудудларда ерусти радио хизматлари томонидан фуқаролик мақсадларида

фойдаланиладиган радиочастоталарни ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисидаги битим;

— Қўшма ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги битим;

— Қўшма инвестиция платформасини яратиш тўғрисидаги ҳақли битим;

— 2026-2027 йилларга мўлжалланган туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Адлия вазирликлари ўртасида 2025-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Тоғ-жон саноатида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги меморандум;

— Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва “Ассамблея жастары” жамоат бирлашмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум;

— Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ўзаро англашув меморандуми;

— Тиббий сугурта жамғармалари ўртасида ўзаро англашув меморандуми;

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Остона шаҳар ҳокимлиги ўртасида ҳамкорлик битими;

— “Ўзбекнефтгаз” ва “Қазмунайгаз” акциядорлик жамиятлари ўртасида ҳамкорлик битими.

Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани ҳамда Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожига муҳим босқични бошлаб берганини яна бир бор катта мамнуният билан қайд этди.

Ташриф доирасида Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди, унда икки томонлама кун тартибининг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди.

Иқтисодий ҳамкорлик масалаларига устувор аҳамият қаратилди. Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бири экани таъкидланди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 15 фоизга ўсгани айтилди. “Марказий Осиё” халқаро санонат кооперацияси марказининг очилиши ташрифининг муҳим воқеаси бўлди.

Ушбу илгор лойиҳа мамлакатларимиз ўртасидаги кооперация алоқаларини чуқурлаштириш ва замонавий қўшмалик қиймат занжирларини шакллантиришга қаратилган.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, хусусан, анъанавий ва муқобил энергетика бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш стратегик йўналиш сифатида белгиланди.

Томонлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳасида, энг аввало, Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликни ривожлантирадilar.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланди.

Фан ва таълим муассасалари, ижодий ва ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашинувларни фаоллаштириш, туризм соҳасидаги қўшма дастурларни кенгайтиришга келишиб олинди.

Томонлар минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилишларини яна бир бор таъкидладилар. Шу маънода, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари муҳим ўрин тутуши қайд этилди.

16 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви минтақавий интеграция ва бутун Марказий Осиёда бирдамликни мустаҳкамлаш жараёнларига янги суръат бағишлаши алоҳида таъкидланди.

Кўп томонлама, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШХТ, МДХ, Туркий давлатлар ташкилоти, “Марказий Осиё плюс” форматларида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

— Хўрматли Қосим-Жомарт Кемелевичнинг ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари юксак даражада эканини яна бир бор аққол тасдиқлади, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Яқунда Президент Шавкат Мирзиёев эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар икки томонлама шерикликини аниқ мазмун билан бойитиши, қўшма лойиҳалар учун янги уфқлар очили, биродар давлатларнинг барқарор тараққиёти учун мустаҳкам замин яратилишига ишонч билдирди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

УМУМИЙ МАДАНИЙ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЯНАДА ЯҚИНЛАШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Қўрьоннинг энг қадимий қўлэмаларидан бири бўлган ушбу нодир манба улкан тарихий ва маданий аҳамиятга эга бўлиб, минтақамиз халқларининг цивилизациявий ўзига ҳослигини шакллантирган қадимчарас маънавий ришталаримизни ифода этади.

Етақчилар, шунингдек, “Исломдан аввалги цивилизациялар”, “Биринчи Ренессанс”, “Иккинчи Ренессанс” ҳамда “Янги Ўзбекистон — янги Ренессанс” бўлимлари билан танишдилар.

Уларда буюк алломаларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа улуг уламоларнинг бой илмий ва маънавий мероси кенг ёритилган. Кўргазмада сомониylар, қорахониylар, хоразмшоҳлар, теуурийлар ва бошқа сулолалар даврига оид қўлэма нашрлар ва уларнинг қадимги ўзбек тилига таржималари ҳам мавжуд.

Етақчилар минтақа мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, маънавий-маърифий лойиҳаларини илгари суриш ва умумий гуманитар қадриятларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Минтақанин бой умумий меросини сақлаш ва тарғиб қилиш борасидаги Ўзбекистоннинг кенг қўламли сайёҳ-ҳаракатларига юқори баҳо берилди. Мажмуа замонавий тадқиқот маркази бўлиб хизмат қилишига, минтақа мамлакатлари ўртасида илмий, таълим ва маданий ҳамкорлик учун янги уфқлар очишига ишонч билдирдилар.


Ислом цивилизацияси марказига ташриф давомида Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Президентлари “Келажак мероси” халқаро мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан таъсис этилган халқаро мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришган юртимиз ва хорижий ижодкорларни рағбатлантиришга қаратилган.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон вакиллари: Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ) бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев “Адабиёт” номинациясида, Тожикистон халқ шоири Давлат Сафарзода “Маданият” номинациясида, М.Авезов номидаги Қозоғистон Миллий драма театри актриси Еркебулан Дайиоров “Театр ва кино” йўналишида, Озарбайжон халқ артисти Алим Гасимов “Муслиқа ва рақс” номинациясида, Туркменистон халқ артисти Бабабасар Аннамирадов “Тасвирий ва амалий санъат” йўналишида, Ўзбекистон Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги халқаро марказ директори ўринбосари, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори Дилфуза Эгамбердиева “Фан, таълим ва рақамли технологиялар” номинациясида таловнинг илк ғолиблари бўлди.

Етақчилар ҳузурида лауреатларга мукофот ҳайкалчаси, диплом ҳамда 10 минг долларлик пул мукофоти топирилдilar.

ЎЗА



Аллоҳ таолога беадад шукрки, юртимизда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшайди. Албатта, башарият учун хайрли бўлган бу ҳодиса замирида янги Ўзбекистоннинг бағрикенглик ва тотувлик ғояларига хайрихоҳлик сиёсати мужассам.



Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий, “Олий даражали
Имом Бухорий” ордени соҳиб

тўғри бағрикенгликка чорлаган. Диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик тамойили Президентимиз бошлаган инсонпарвар ислохотларнинг энг муҳим бўғинига айланган. Шу боис, Ватанимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, меҳр-оқибат ва инсон қадрини улуғлашга ҳамisha улкан эътибор қаратилади. Ҳар йили юртимизда анъанавий ўтказиладиган “Бағрикенглик ҳафталиги” ҳам ана шу юксак эътибор мевасидир.

Аллоҳ таоло Қўрьонни қаримда бундай марҳамат қилган: “Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Ўз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишингизгиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик” (Ҳужурот сураси, 13-оят). Бу оят қарима одам болалари ўртасидаги тенглик ва дўстликка далолат қилгучи, маърифатга чорловчи илоҳий нидо, аслида,

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифларнинг бирида “Одамларга ташақкур айтмаган Аллоҳга ҳам шукр қилмайди”, дейилади. Юртимиздаги тинчлик, барқарорлик муҳити, диёримизда яшаётган турли дин ва миллат вакиллари орасидаги тотувлик мустаҳкамлиги, қўшни давлатлар ва у ерларда яшаётган халқлар билан юзага келган дўстона алоқалар учун Аллоҳ таолога беадад шукр қилган ҳолда унга сабабчи бўлган давлатимиз раҳбарига — янги Ўзбекистон меъморига, албатта, ташақкур изҳор қилиш лозим.

Атрофимиздаги кенг қўламли ислохотлар билан дўстона алоқаларимиз янги Ўзбекистон раҳбарининг инсонпарвар қарашлари ва ислохотлари туфайли мутлақо самимий, ишонч ва бирдамлик босқичига кирди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти “Марказий Осиё янги давр остонасида” номли мақоласида бундай ёзади: “Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтпмиз. Бизнинг минтақамизда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланмоқда”.

Ватанимиздаги кенг қўламли ислохотлар аниқ мақсадларга хизмат қилади. Бу мақсадлар замирида эса, шубҳасиз, инсон қадри мужассам. Динимиз кўрсатмаларига ҳамоҳанг тарзда янги Ўзбекистонда қабул



қилинаётган қонун-қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар ҳам эътиқод эркинлиги, инсон шаънини ҳурматлаш, ҳақ-ҳуқуқларни ҳимоя қилишни қўзлайди. Ўзбек халқининг мутлақ хайрихоҳлиги билан қабул қилинган, эзгу ниятлар билан янгиланган бош қонун — Ўзбекистон Конституцияси мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечириши, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, кўп миллатли жонажон Ватанимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини назарда тутди.

“Ўмғир билан ер кўкаради, дуо билан эл кўкаради”, дейди доно халқимиз. Шу маънода айтиш мумкинки, бугун халқимизга етаётган жами яхшиликларга юрт эгасининг эзгу мақсади, шу мақсаднинг амалий қадамлари ва бу қадамлардан манфаат кўраётган фуқароларнинг чин дилдан қилаётган самимий дуолари сабаб.

Бош қонунимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди”, деб ёзилган. Шу йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун ҳам давлатчиликмиёз тарихи ва умуминсоний қадриятларга таъянган ҳолда ишлаб чиқилган. Мазкур концепция фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини қафолатлайди, диний конфессиялараро тотувликини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида ҳар йили 16 ноябрь Халқаро бағрикенглик кун сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Мазкур сана муносабати билан “Бағрикенглик ҳафталиги” ташкил этилиши ҳамда шу ҳафталик доирасида турли анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, тақдиротлар ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши яхши анъанага айланган.

Жамиятимизда диллараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни кенг тарғиб этган, ўзаро ҳамкорлик ривожига муносиб ҳисса қўшганларни тақдирлаш учун Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “Диний бағрикенглик” кўкрак нишон таъсис этилган.

Ўзбекистон халқи бу ёруғ оламда яшаётган бағрикенг ва меҳмондўст халқлар қаторида зикр этилади. Азалдан диёримизда яшаб келаётган турли миллат ва элат вакиллари ўзаро елкадош бўлиб, бир-бирининг огирини енгли, мушмуқлини осон қилган. Шунинг учун хурсандчиликда ҳам, тўй ва маърақада ҳам кўп миллатли халқимизнинг ҳамжиҳатлигига ҳамisha гувоҳимиз.

Парвардигоримиз барча миллат ва этник қодлар орасида адолат билан иш тутушга чакиради. Чунки башариятнинг асли бир: ҳамма Одам Ато ва Момо Ҳавводан тарқалган. Аллоҳ таоло уларни турли халқлар ва қабилаларга ажратиб қўйган. Инсонларнинг турфа халқ ва қабилаларга бўлинишининг ҳикмати эса ўзаро танишиш, ҳамкорлик ва маърифатда бардавом бўлишдадир.

Муқаддас динимиз ўзидан олдинги самовий динларни эҳтиром қилиш баробарида уларга ва уларга эътиқод қилувчиларга муруват кўрсатишни буюради. Бу ҳақиқатни ўта улкан заковати билан англай олган мова-роуннаҳрлик машҳур муфассир Абул Барокот Насафий “Мадорик ут-танзил” асарида “Мумтаҳана” сурасининг 8-оятини бундай тафсир қилган: “Ўзаг дин вакиллариға эҳтиром кўрсатинг, уларға сўз билан ҳам, иш билан ҳам яхши муомалада бўлинг!”.

Улуг алломанинг тафсирда бундай ҳуло-сага келишга ҳазрати пайғамбар алайҳис-саломнинг Ҳабашистондан келган насроний меҳмонларни ўз масжидларига туширганлари ва: “Улар бизнинг саҳобаларимизни ҳурмат қилган эдилар. Мен уларни иззат-икром қилишни ҳуш кўраман!”, деб шаҳсан ўзлари уларга хизмат қилганлари ҳақидаги далил сабаб бўлгандир, эҳтимол.

Ислом тарихида бундай воқеалар жуда кўп...

Ислом таълимоти ўзга дин ва миллат вакиллари билан ҳамisha чиройли ва бағрикенг муносабатда бўлишга чорлайди. Бу гўзал чорловдан ҳосил бўлган эзгу анъаналар бутун ҳам бардавом. Хусусан, имомлар ҳомиylар ва ҳожиларни жалб қилган ҳолда ўзи фаолият юритадиган масжид жойлашган маҳалла ҳудудидаги эҳтиёжманд қилган ҳолидан мунтазам хабар олиб туради. Бу ҳолда қайси миллат ё дин вакили бўлишидан қатъи назар, эҳтиёжмандларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилади. Эътибор ва ардоқдан қўнгли тоғдек кўтарилган юртдошларимиз эса эл-юртимиз тинчлигини ва фаровонлигини сўраб дуо қилади.

“Ўмғир билан ер кўкаради, дуо билан эл кўкаради”, дейди доно халқимиз. Шу маънода айтиш мумкинки, бугун халқимизга етаётган жами яхшиликларга юрт эгасининг эзгу мақсади, шу мақсаднинг амалий қадамлари ва бу қадамлардан манфаат кўраётган фуқароларнинг чин дилдан қилаётган самимий дуолари сабаб.

Аллоҳ таоло азиз ва мустақил юртимизда яшаётган барча мўймин-мусулмонларнинг, миллат ва элатлар вакилларининг тинч-тотув, ўзаро ҳурмат ва эътиборда истиқомат қилишда мададкор бўлсин. Янги Ўзбекистоннинг, инсон қадрининг фаол ҳимоячиси бўлган мухтарам Президентимизнинг жамиятда ҳамжиҳатлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги эзгу ишларига қут-барака ёғилaversин.



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон кўп миллатли давлат. Хозирги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-инок яшаб келмоқда. Бу оддий статистика эмас, балки жамиятимиздаги ўзаро дўстлик, аҳиллик, бирдамлик руҳининг рақамлардаги ифодасидир. Зеро, ҳар бир давлатнинг тараққиёт йўли ва жамиятдаги ислохотларга баҳо беришда миллатлараро муносабатлар мустақамлиги, жамиятдаги бағрикенглик муҳити нечоғлиқ таъминлангани муҳим мезон сифатида алоҳида эътиборга олинади.

Мамлакатимизда эса бу тамойиллар тарихий илдизларга эга экани билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Яъни эътиқоди, тили, дини еки ирқидан қатъи назар, барчага бирде ҳурмат, хайрихоҳлик ва мурувват билан муносабатда бўлиш, инсон қадрини улуғлаш халқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланади.

Юртимизда бу қадриятларни асраш, жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омилли бўлган миллатлараро муносабатларни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, шу асосда изчил ислохотлар амалга ошириляпти. Заминимизда қадимий даврлардан буюн давом этиб келатган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоляниб, миллатлар ва элларар, конфессиялар ўртасидаги тотувликни асраш, уни янада мустақамлашга эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз бу борада жамиятимизда эришиляётган ўзига хос ютуқлар ва устувор вазифалар хусусида тўхталар экан, “Бизнинг энг катта бойлигимиз — Ўзбекистонни ўзи учун ягона Ватан деб биладиган кўп миллатли буюк халқимиздир. Жонажон юртимизда қарор топган миллатлараро дўстлик ва аҳилликни — мана шундай бебаҳо хазинамизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг олий бурчимиздир”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонда аждодлар маънавий меросига содиқлик асосида миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада тегшли хужжатлар қабул қилиниб, амалий ишлар йил сайин кенгаймоқда. Аввало, умуммиллий тотувликнинг муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистонда истиқомат қиладиган турли миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини сақлаш ҳамда ёш авлодга етказиш долзарб масалалардан бири.

Бу йўналишда ишларни тизимли амалга оширишда миллий маданий марказларнинг ўрни жуда муҳим. Шу мақсадда уларнинг фаолияти давлатимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз ташаббуси асосида ушбу марказлар фаолият кўрсатиши, турли тадбирларни амалга ошириши учун давлат субсидиялари ажратилмоқда.

Бундан ташқари, деярли барча миллий маданий марказлар учун ҳудудларда ташкил этилган “Дўстлик уйлари”дан мўл жайратилган ва улар бу жойлардан мутлақо бепул асосда фойдаланмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита биносида ҳам республика ҳамда Тошкент шаҳри даражасидаги 27 та миллий маданий марказ эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилган. Айниқса, қўмита жойлашган бино атрофида миллатлараро дўстликнинг ўзига хос рамзи бўлган Миллий маданий марказлар павильони барпо этилиши, у ерда 22 та миллатга хос миллий уйлар маданий марказларга катта туҳфа бўлди.

Юртимизда бу борада шаклланган эгзу тамойилларни кенг намоиш этиш, жамиятимиздаги ўзаро дўстлик, меҳр-оқибат, ҳам-жиҳатлик, бағрикенглик муҳитини янада мустақамлаш мақсадида 2021 йилдан буюн ҳар йили 30 июль мамлакатимизда Халқлар дўстлиги кўни сифатида кенг нишонляняпти.

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кўни муносабати билан бўлиб ўтган турли тадбирлар жараёнида халқларимиз ўртасидаги бу ҳамкорликнинг муҳим қирралари янада яққол кўзга ташланди. Ҳафталик доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида турли маданий-маърифий тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди. Табиийки, бундай тадбирлар, миллатлараро тотувлик муҳитини мустақамлашга қаратилган эгзу ислохотлар самарасида жамиятимизда бағрикенглик муҳити тобора мустақамляняпти. Кўп миллатли халқимиз бир жону бир тан бўлиб, келажаги буюк янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида яқдил ва ҳамқадам бўлмоқда.

Доно халқимиз айтганидек, бирдамлик бор жойда илдамлик, ривожланиш бўлиши табиий. Бунн бутун турли соҳаларда эришиляётган ютуқлар ҳам яққол ифода этади. Мисол учун, жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги изчил саъй-ҳаракатлар туфайли охириги саккиз йилда иқтисодиётимизга 130 миллиард доллар инвестиция кириб келди, минглаб янги қувавлар ишга туширилди, миллионлаб доимий иш ўринлари яратилди. Хусусий секторга кенг йўл очилиб, ҳар бир инсон муносиб меҳнат қилиши учун зарур шароитлар яратилиши натижазида жон бошига даромад 3,5 минг долларга етмоқда.

“Инсон қадри учун” эгзу ғоясига асосланган ислохотлар самарасида аҳолини ижтимоий ҳимова қилиш, камбағалликни камайтириш, халқимиз соғлом ва узоқ умр кечирishi учун қулай муҳит яратиш борасида муҳим натижаларга эришиляпти.

— Замонавий Ўзбекистон бутун энг барқарор, бағрикенг ва маданий хилма-хилликка очиқ давлат сифатида дунёга ўзини кенг намоён етмоқда, — дейди Озарбайжон миллий маданият маркази раҳбари Мобил Мамедов. — Ушбу муқаддас заминда кўлаб миллат ва халқ вакиллари, 16 диний конфессия аъзолари ягона онла каби меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитида яшамоқда. Бу нафақат ижтимоий уйғунлик, балки Президентимиз раҳбарлигида амалга ошириляётган “Янги Ўзбекистон — умумий уйимиз” сиёсатининг ёрқин натижасидир. Бошқа миллат вакиллари қаторида озарбайжон диаспораси ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиб, янги Ўзбекистон қурилишига самарали ҳиссасини қўшмоқда. Озарбайжон миллий маданият маркази Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита билан яқин ҳамкорликда фаолият юритиб, ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги



дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Марказ ташаббуси билан мунтазам равишда маданий тадбирлар, адабий-бадний кечалар, кўргазмалар, илмий конференциялар ва мусиқий дастурлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар халқларимиз ўртасидаги ўзаро



ҳурмат, бағрикенглик ва тинч-тотув яшашнинг энг гўзал намунасига айланган. Ўзбекистоннинг келажаги ана шундай эгзу анъаналар — дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат устига қуриляётгани жамиятимизда эришиляётган улкан ютуқларнинг муҳим пойдевори бўлмоқда.

Илдизлари туташ, тарихи ва келажаги муштарак замин

Турли миллатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталари ҳақида гап борар экан, бу вазифаларни тўлақонли ҳал этиш

халқимиз учун нафақат миллий, балки минтақавий характерга эга экани билан ҳам ажраллиб туради. Зеро, Марказий Осиё минтақаси аҳолиси тарихи, ўзлиги, дини, қадриятлари бир бўлган қардош ва биродар халқлардир. Шу маънода, миллатлараро тотувлик масаласида кўзланган мақсадларга эришиш учун яқин қардошларимиз бўлган ўршин давлатлар халқлари билан алоқаларимизни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Сир эмас, бундан ўн йиллар илгари илдини бир, ришталари туташ бўлган халқларимиз ўртасида ўзаро муносабатлар мақтанарли эмасди. Сўнгги йилларда Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан минтақамиздаги қардош давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга қўтарилиб, дунё сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора ва воқелик пайдо бўлгани барчамизнинг улкан ютуғимиз бўлди. Натижада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ривожланди. Ўзаро четаралар очилиб, янги ўтказиш пунктлари барпо этилди, авиақатновлар, темир йўл ва автобуслар йўналишлари йўлга қўйилгани ўзаро борди-кедиларини бир неча бор ошириш, маданий-гуманитар алоқаларини кенгайтириш имконини берди.

Натижада минтақа мамлакатларининг умумий сайёҳлик оқимида ички минтақавий туризмнинг улуши 80 фоиздан ошди. Қолаверса, дўстона муносабатлар, ўзаро алоқалар изчил ривожланиши натижазида минтақамизда янги иқтисодий воқелик шаклланимоқда. Сўнгги саккиз йил давомида Марказий Осиё мамлакатларининг ялли ички маҳсулотига қарийб икки ярим баробар

ўсиб, 520 миллиард долларга, ташқи савдо ҳажми эса икки қаррадан зиёд қўпайиб, 253 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2 қарра ошиб, қарийб 11 миллиард долларга етди, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробар қўпайди.



Жабборов. — Буюк ипак йўли орқали шаклланган савдо, маданият ва илмий алмашинув жараёни минтақа халқларини асрлар давомида бирлаштириб келган. Шу боис, тарихий жиҳатдан бу ҳудуднинг ривожланиши доимо қўшни давлатлар билан яқин алоқалар, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий интеграцияга асосланган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик устувор йўналишга айлانгани тарихий анъаналаримизга янгича маъно бағишлаб, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янги босқичга қўтармоқда. Ўзаро бирлигимиз, ҳамжиҳатлигимизга раҳна соляётган қўлаб муаммолар оқилона ечим топмоқда. Марказий Осиё минтақасини барқарорлик, тараққиёт ва ҳамкорлик ҳудудига айлантириш ғояси жамиятимизда эришиляётган ютуқларнинг муҳим пойдевори бўлмоқда. Бу жараёндаги ислохотларда юртимиздаги барча миллатлар қаторида уч юз мингдан кўпроқ қирғиз диаспораси ҳам фаол иштирок етатгани катта ютуғимиздир. Зеро, Ўзбекистон шу заминда яшайётган барча халқлар қаторида қирғизлар учун ҳам киндик қонимиз томган муқаддас ватандир. Уни кўз қорачигидай асраш, юрт равнақини юксалтириш, жамиятимиздаги тотувлик ва барқарорлик муҳити бардавом бўлишига ҳисса қўлиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Маданиятлар уйғунлиги ва ҳамжиҳатлик руҳи

16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кўни муносабати билан уюштирилган бағрикенглик ҳафталиги ҳақиқий дўстлик, ҳамжиҳатлик байрамига айланиб кетди. Ҳафталик доирасида Миллий маданий марказлар павильонида ўтказилган “Бағрикенглик оҳанглари” катта концерт дастури юртимиздаги миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва дўстлик анъаналарининг ёрқин ифодаси бўлди. Тадбирда Ўзбекистон маданият ва санъат усталари, шунингдек, юртимизда фаолият юритаётган миллий маданий марказлар ҳаваскор жамоалари иштирок етди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар бағрикенглик миллийларининг Ўзбекистон тараққиётида тутган ўрни, мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликда яшайётгани ҳақида сўз юритди. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг 1995 йилда қабул қилинган Бағрикенглик тамойиллари декларацияси бўғунги кунда дунёда тинчлик, тараққиёт ва ҳамжиҳатликни таъминлашда тутган ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Тадбир давомида миллий маданий марказлар вакиллари томонидан юртимиздаги турфа маданиятларнинг уйғунлиги ва миллатлараро дўстлик руҳи тарғиб этилди. Концерт сўнгига барча иштирокчилар биргалиқда ижро етган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” қўшиғи даврага ўзгача фойз бағишлади. Шу тариқа “Бағрикенглик оҳанглари” концерт дастури нафақат мусиқа ва санъат байрами, балки халқлар дўстлиги, тинчлик ва барқарорлигини улуғловчи маънавий бирлашув рамзига айланди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови” мавзусида давра суҳбатли, Ёшлар ижод саройида “Ёшлар бағрикенглик энчиляри” мавзусида учрашувлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда миллатлараро тотувликни мустақамлаш, ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш, диний конфессиялар ўртасида ўзаро ҳурмат ва мулоқотни кенгайтириш хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги адабий тадбир ҳам шу санага бағишланди. Унда мамлакатимизда яшаб ижод қиляётган турли миллат вакиллари — ёзувчи ва шоирлар, миллий маданий марказлар вакиллари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок етди.

Тадбирда мамлакатимизда турли миллатлар вакиллариининг ижодий фаолиятини қўлаб-қувватлаш, уларнинг маданий меросини асраб-авайлаш ва адабиёт орқали миллатлараро тотувликни мустақамлаш борасида юритиляётган сиёсатининг аҳамияти ҳақида фикрляшилди.

Ўзбек адабиётини бойлаган Сергей Бородин, Явдот Илёсов, Зоя Туманова, Михаил Сале, Шерали Лойиқ, Александр Файнберг, Нинел Владимировна каби ижодкорлар номи бутун ҳам эҳтиром билан тилга олинади. Уларнинг изидан бораётган Кенесбой Каримов, Николай Илин, Қалдибек Сейданов, Паймон, Галина Долгая сингари адиблар Ўзбекистон адабий маконининг замонавий кўп тили овозини шакллантирмоқда.

Тадбир якунида турли миллий маданий марказлар — уйғур, туркман, тожик, турк, қирғиз, қозоқ ва озарбайжон ижодкорлари томонидан чоп этилган китоблар кўргазмаси намоиш этилди. Кўргазма иштирокчиларга қардош халқлар адабий мероси, уларнинг Ўзбекистон маданий ҳаётидаги ўрни ва ҳиссасини янада чуқурроқ англаш имконини берди. Бир сўз билан айтганда, ҳафталик доирасида ўтган ҳар бир тадбир “Ўзбекистон — бағрикенг днёр” ғоясининг ҳаётимизда бераётган самараларини намоён етди, миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлигимизнинг ёрқин намунаси бўлди.

БИРДАМЛИК — ИСТИҚБОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонасида” сарлавҳали мақоласини ўқиб, минтақамиз халқлари тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйганини яна бир қарра ҳис қилдим.

Мақолада минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция, инсон капитали ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ жуда кўлаб масалалар қамраб олинган. Уларнинг барчаси ҳудуднинг келтисидидаги ривожланиш босқичи учун стратегик аҳамиятга эга. Келажакка биргалиқда қараш, ҳамкорликни кенгайтириш, интеграциялашувни чуқурлаштириш каби ғоялар янги Марказий Осиё даври келаятгани ҳақидаги таъкиднинг жуда тўғри ва ўринли айитлигини тасдиқлайди. Зотан, бу даврда минтақа давлатлари учун бир жиҳатдан муҳим истиқболлар очилиши, иккинчи томондан эса амалий вазифалар салмоқли эканига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Кейинги йилларда Марказий Осиёдаги давлатлар орасида ишонч ва очиқ мулоқот муҳити шаклланиши минтақавий барқарорлик учун муҳим аҳамият касб етмоқда. Бу ишонч фақат дипломатик салоҳият эмас,

балки иқтисодий алоқалар, савдо, транспорт йўлақларига ҳам таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш, экспорт, импорт соҳасидаги барқарорликни янги босқичга олиб чиқди. Хусусан, иқтисодий ҳамкорлик ва савдо йўналишини олсак, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга ўсди. Қўшама корхоналар сонн эса 1800 дан ошган. Бу иқтисодий алоқалар кундан кунга ривожланиб бораётганидан далолат. Президентимиз бу ўсишни “марказий иқтисодий интеграциянинг яққол натижаси” сифатида баҳоляди. Бу кўрсаткичлар миллионлаб иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олганини амалда кўриб турибмиз. Айниқса, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва чегара йўлақларини ривожлантиришга эътибор гуманитар ало-

қалар ривожига муҳим аҳамият касб етмоқда. Қолаверса, ички ва минтақавий логистика ривожига ижобий таъсир қилди.

Мақолада аёллар ва ёшлар учун таълим, инновация соҳаларидаги имкониятлар кенгайтирилиши таъкидланган. Экологик масъулият ва ресурсларни самарали бошқариш устувор йўналиш сифатида қайд этилган. Табиатни асраб-авайлаш, сув ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини тежамкорлик билан бошқариш, энергия самарадорлиги орқали ҳаёт сифати яхшилаш мумкинлиги ҳақида ҳам сўз юритилган. Савдо ҳажмининг ўсиши, транспорт ва инфратузилма лойиҳалари, ёшлар ва экологияга оид саъй-ҳаракатлар умумий ривожланиш тенденциясини кўрсатади.

Марказий Осиёда янги стратегик босқич бошланди. Бу давр аҳоли учун иқтисодий фаровонлик, бўш иш ўринлари ва транспорт инфратузилмасида янги имкониятлар пайдо



Гулчехра ЖЎРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

бўлиши, экология, инсон капитали масалалари устуворликка эгалигини яна бир бор исботлади. Булар минтақа мамлакатларига нафақат ички ривожланишга эришиш, балки халқаро аренада кенгрок “Ўзига хослик”-ка эга субъект сифатида чиқиш имконини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, тараққиётнинг янги босқичига бизни олиб борадиган йўл содда — режани ҳаракатга айлантириш ва натижага эришиш...

Инсон ер олиб, уй-жой қуриб, ўша жойда оиласи билан яшар экан, амалда шу манзил унинг ҳудуди, хонадонни ҳисобланади. Аммо қандайдир сабабларга кўра буни тасдиқлайдиган ҳуқуқий асос — турар жойнинг кадастр маълумотлари, яъни ўша фуқарога тегишли эканини кўрсатувчи қонуний ҳужжат бўлмаса-чи? Бу ҳолат миллионлаб юртдошларимизга таниш. Вақтида кўчмас мулкнинг ҳужжатларига эътиборсизлиги сабаб йиллар давомида ўз уйида худди бегонадек яшаб келаётган фуқаролар сони анчагина.



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун минглаб юртдошларимиз кутаётган ҳуқуқий асос бўлди. Янги қонун орадан уч ой ўтиб — 2024 йилнинг 8 ноябридан кучга кирди ва мамлакатимиз ҳаётида хусусий мулк кафолатини таъминлашдаги энг катта ислохотлардан бирига айланди.

Жараён юртдошларимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олиниб, ўз ер ва мол-мулкларига йиллар давомида эгалик ҳуқуқини ололмай келаётган одамларга умид ва ишонч берди. Хужжатларини расмийлаштириш учун дарров кадастр ташкилотларига югурган фуқаролар ҳам бўлди. Аммо қонунга кўра, эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ишлари хатлов асосида, ҳар йили режа билан тасдиқланган маҳаллаларда тартибли равишда олиб борилиши маълум қилинди. Шундан сўнг одамлар “Қачон хонадонимизга кадастр ходими келар экан?” дея кута бошлади. Бирор киши билан суҳбат асосида кадастр ҳақида сўз очилиб қолса ҳам, албатта, шу мавзу тилга олинади.

Аммо бу жараёнда фуқаролар қаергадир мурожаат қилиши, бирор ташкилотга югуриши талаб қилинмайди. Ҳаммаси кадастр муҳандислари томонидан уйма-уй юриб амалга оширилаётган хатлов орқали ўтказилади. Яъни ўтган йилнинг 8 ноябрь санасидан бошлаб Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ходимлари томонидан юртимиз бўйлаб кенг қўламдаги хатлов ишлари олиб бориляпти. Маълумотларга кўра, хатлов жараёнларида 4,5 минг кадастр ходими жалб қилинган бўлиб, улар режа-жадвал асосида белгиланган маҳаллаларда уйма-уй юриб, ҳар қандай об-ҳаво шароитида хатловни давом эттиряпти. Хатлов асосида фуқароларнинг ўзларига тегишли, аммо ҳужжатсиз ёки ўзбошимчалик билан ўзлаштирилган ер ва унда қурилган уй-жойларга нисбатан эгалик ҳуқуқлари эътироф этилмоқда.

— Ҳозирга қадар 3722 та маҳалла чегараларига аниқлик киритилган бўлиб, режага кўра, 2026 йилда мавжуд 9008 та маҳалла чегарасини белгилаш тўлиқ аяқланади, — дейди Давлат кадастрлари палатаси раиси Моҳир Валиев. — Жорий йилнинг 4 ноябрь ҳолатига кўра, юртимиз бўйлаб 845 минг 96 та объект хатловдан ўтказилди. Шундан 18 минг 682 тасига халқ депутатлари кенгашлари қарори билан эгалик ҳуқуқи эътироф этилди. Бу шунча хонадонга кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди дегани.

“Жараёнда кадастр муҳандисларининг аниқ, шаффоф ва масъулият билан ишлаётгани эътиборимни тортди. Ҳар бир рақам, ҳар бир маълумот эътибордан четда қолмаяпти. Бойси, умумий маълумотларни шакллантиришда аниқлик ўта муҳим. Ахир хатлов жараёнлари нафақат фуқароларга мулк ҳуқуқларини эътироф этиш, балки мамлакатимизнинг ҳар қарич ерини аниқ белгилашга қаратилган.



МИЛЛИОНЛАБ ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

ХАТЛОВДАН ЎТМАГАН УЙ ҚОЛМАЙДИ

Шу кунларда қонун кучга кирганига бир йил тўлди ва ўтган давр мобайнида амалиётда қилинган ишлар, хатлов жараёнлари, ҳужжатсиз ер ва мол-мулкларга ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ натижалар кўпчиликка қизиқ. Кадастр агентлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатаси томонидан журналистлар учун ташкил этилган пресс-тур давомида амалий жараёнларга бевосита гувоҳ бўлдим. Манзилимиз Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Файзобод” МФЙ бўлди.

Тошкент вилояти ҳудуди жиҳатидан ҳам, аҳоли сони жиҳатидан ҳам салмоқли ўринга эга. Вилоят ер майдони 1 миллион 514 минг 926 гектарни ташкил қилиб, унда 811 минг-та кўчмас мулк борлиги қайд этилган. Айни вақтда ҳудудда хатлов жараёнлари қизгин кечмоқда.

— Шу йилнинг 5 ноябрь санасига қадар вилоятда 91 минг объект хатловдан ўтказилиб, шундан 34 мингтаси “ЕТИРОФ” дастурига киритилган бўлса, 1300 тасига эгалик ҳуқуқи эътироф этилди, — дейди Давлат кадастрлари палатаси Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Жасур Ахоров. — Қолганлари муҳокама, эълон ва келишув жараёнларида турибди. 2024-2025 йилларда Тошкент вилояти бўйича 558 та маҳаллани хатловдан ўтказиш режа-графикни тасдиқланган. Ҳозирги кунда бу режани 93 фойз бажардик. Хатлов ишларига 300 муҳандис жалб қилинган бўлиб, замонавий ўлчаш асбоблари билан таъминланган. Ҳар бирига кунига 3-4 тадан хонадонни хатловдан ўтказиш тўғри келади.

Журналистлар шу каби маълумотлар билан танишар экан, куннинг анча совуқлиги сезилди. Кадастр муҳандислари эса аллақачон ишни бошлаб юборган. Ҳар бири ўзига бириктирилган хонадонга кириб, аҳолининг розилиги асосида хатлов ўтказяпти. Дастлаб хонадон эгаси ва унга тегишли уй-жойнинг ҳужжатлари сўралмоқда. Сўнг белгиланган намунада барча маълумотлар қайд этилиб, шундан кейин мазкур турар жой ва унга ёндош майдонлар чегаралари махсус ўлчов асбоблари ёрдамида ўлчанапти.

— Хатлов белгиланган маҳаллага биринчи бўлиб келади ходимлар топографлар, — дейди Давлат кадастрлари палатаси масъул ходими Лутфулло Азизов. — Улар замонавий ўлчаш асбоблари ёрдамида маҳалла чегараларини ўлчаб кетади. Кейин ҳар бир кўчмас мулкнинг чегаралари асосида полигон шакллантирилади. Ана шу ҳарита бўйича ҳудудларга кадастр муҳандислари бириктирилади. Ҳар бири махсус бейжикка эга, қўлида маълумотнома намунасини тутган кадастр муҳандиси уйма-уй юриб, фуқаролар билан тўғридан тўғри мулоқот орқали хатлов маълумотларини тўлдирди. Хонадонда бирламчи кўчмас мулк ҳужжатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқлаштирилади. Кадастр ҳужжати бўлса ҳам, бўлмаса ҳам ўша хонадон хатловдан ўтказилади.

Гап шундаки, бу хатлов умумий бўлиб, унда нафақат ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкаси ва қурилган бино-иншоотлар, балки ҳар бир уйнинг чегарасини аниқлаб, махсус ахборот дастурига киритиш ишлари олиб боришмоқда. Бундан қўзланган мақсад юртимиздаги ҳар қарич ер ва кўчмас мулкнинг аниқ ҳисоб-китобини юритиш, уларга тегишли барча маълумотларни тўғри шакллантириш ҳамда электрон базада жамлашга қаратилган.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 7 миллион 300 мингта кўчмас мулк мавжуд бўлиб, барчаси хатлов жараёнлари орқали бирма-бир ахборотлашган тизимга қилиб кириштирилди, — дейди Кадастр агентлиги директори ўринбосари Мирсайд Мирмаксудов. — Хатловнинг яна бир афзаллиги, жараёнда аниқланган чегаралар, рақамлар билан боғлиқ тафовутлар ҳам жойида бартараф этиляпти. Бу

ҲУЖЖАТСИЗ ЕР ВА УЙ-ЖОЙНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

кўчмас мулклар ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар шаклланиши, шу орқали турли соҳаларнинг сифатли ишлашига хизмат қилади. Кадастр муҳандислари фуқародан ҳужжатларни сўраб, тегишли маълумотларни намунага киритгач, уни махсус рақамлайди. Кейин эса шу хонадон чегаралари ўлчаб чиқилади. Бу жараёнларнинг барчаси мутлақо

1,3 сотих еримизнинг ҳам кадастр ҳужжати билан оласан, жуда яхши бўларди. Яқин вақтда бу масала ижобий ечим топишига умид қилияпмиз. Мушкуллимиз осон бўларди.

Хатловни ўтказётган кадастр муҳандисининг айтишича, кўчмас мулк хонадон эгаси Элдор Исмоиловга тегишли бўлиб, амалдаги 11,3 сотих ер майдонининг 10 сотих қисми

одамлар ўйлаганидек, Кадастр агентлиги эътироф этиш ҳуқуқига эга эмас. Бу бир неча давлат ташкилоти ҳулосаси асосида амалга ошади.

Маҳаллалар чегаралари аниқланиб, ҳаритаси тузилгач, кадастр муҳандислари хатлов ўтказиб, ҳар бир объект бўйича тузилган йн-ма жилдларни “ЕТИРОФ” ахборот тизимига



бепул бўлиб, одамлардан ҳеч қандай тўлов талаб қилинмайди. Фақат муҳандислар хатловни ўтказиб олишига розилик бериш kif. Бойси, фуқаро кадастр муҳандисини хонадонига киргизмаслиги ҳам мумкин экан. Маълумотларга кўра, мингта айтиш шундай ҳолат кузатилган бўлиб, бу хатлов жараёнлари қўзилишига сабаб бўлмоқда. Масъулларнинг айтишича, тартибга кўра битта маҳаллада хатлов ишларини тутатмасдан туриб бошқасига ўтиш мумкин эмас. Кадастр муҳандислари айрим хонадонларга қайта-қайта бораётгани бойси шунда. Жиддий қаршилик кўрсатилган ҳолатларда эса маҳалла раиси ва профилактика инспектори ҳамроҳлигидеа борилиб, хатлов жараёнлари ўтказилади. Чунки юртимиздаги ҳар бир хонадон хатловдан ўтказилиши керак.

Кадастр муҳандисларига ҳамроҳлигимиз давомида бундай ҳолатларга дуч келмадик. Аксинча, аҳолининг ўзи муҳандисларни чақириб, мамнуният билан қарши олаётгани, сўралган ҳужжатларни дарҳол тақдим қилаётганига гувоҳ бўлдик. Айрим хонадон эгалари ўз турар жойига эгалик ҳуқуқини олишни узок йиллардан буён кутаётгани ва ниҳоят кадастр ҳужжатларига эга бўлишдан мамнун эканини айтди.

— Ёшим 51 да, 24 йилдан буён шу хонадонда истикомат қиламан, — дейди “Файзобод” МФЙда яшовчи Зубайда Исмоилова. — Ернинг умумий майдони ўн бир сотих, шундан 1,3 сотихнинг кадастр ҳужжати йўқ, лекин уч баравар солиқ тўлаб келяпмиз. 1,3 сотих ерининг ҳужжати йўқлиги ҳам бизга йиллар давомида муаммо туғдирапти. Ҳужжат бўйича қайси идорага борсан, шу масала ўртага чиқади. Ҳозиргача бу муаммони ҳал қилолмадик. Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш учун борматган жойимиз қолмади, лекин имкони бўлмади. Шу боис, кадастрчиларни кўриб хурсанд бўлиб кетдик. Мана шу

ҳоким қарори билан ажратилган, қолгани эса кейинроқ эгаланган. Хатлов жараёнида мулкка оид маълумотлар тегишли тартибда қайд этилиб, ахборот тизимига киритилди. Эндиликда мазкур мулк бўйича тегишли ташкилотлардан иборат комиссия ўз ҳулосаларини тизимга киритади, яқунда ижобий ҳулоса берилса, ортиқча эгаланган ер майдони фуқарога 99 йилга ижара шартномаси асосида ажратилади, яъни эгалик ҳуқуқи эътироф этилади.

ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ, АММО...

Ҳа, буни биргина ташкилот қарори ҳал қилмайди. Хатлов ўтказилгани ва маълумотлар қайд этилгани ҳам ўша кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи берилиши кафолатланади дегани эмас. Бу бўйича юқоридаги қонунда асосий шартлар ва талаблар аниқ белгиланган. Масалан, ер бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер бўйича низо бўлмаслиги, бош режа талабларига зид эмаслиги ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Қолаверса, қонун бўйича 8 та тоифадаги объектлар учун мулк ҳуқуқини расмийлаштиришга рухсат берилган. Улар 2018 йил 1 майга қадар ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотлар, майдондан ортиқча эгаланган ер участкаси ҳамда унда қурилган уй-жойлар, “бир марталик акция” доирасида ҳуқуқларни эътироф этиш охирига етмаган мулклар ва ҳоказони ўз ичига олади.

Тартибга кўра, бино-иншоотлар мулк ҳуқуқи, ер участкалари эса ижара ҳуқуқи асосида эътироф этилмоқда. Бунда яқка тартибдаги турар жойларга 99 йилга, бошқа ерлар учун 49 йиллик ижара ҳуқуқини эътироф этиш назарда тутилган. Аммо

юклайди. Ундаги маълумотлар эса “UZKAD” тизимида фаоллаштирилади. Ахборот тизимга ҳар бир кўчмас мулк ва мулкдорнинг маълумотлари киритилади. Кейинги қадамда маълумотларни 18 дан 23 тагача давлат ташкилоти кўриб чиқади ва ҳар бир кўчмас мулк

“Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, боши осмонга етаётган одамлар ҳақида ёзиш бошқа-ю, уларнинг қувончини бевосита кўриб, ҳаяжонларига шерик бўлиш бошқа экан. Тошкент вилояти Кадастр бошқармасида айни шу жараёнга гувоҳ бўлдим. Вилоятда истикомат қиладиган яна 4 фуқаронинг кўчмас мулк объектига эгалик ҳуқуқи расман эътироф этилиб, кадастр ҳужжати тантанали тарзда топширилди.



4 ноябрь ҳолатига кўра, ҳуқуқлари эътироф этилган 18 минг 682 нафардан ортиқ кўчмас мулк эгасининг 1478 нафаригина мулкларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза топширган. Яъни хусусий мулк эътироф этилгандан кейин ҳам рўйхатдан ўтказмаслик 90 фойзни ташкил қияпти.

— Қонун бўйича рўйхатдан ўтиш учун ариза топширишга бир ой муддат берилди, — дейди Давлат кадастрлари палатаси раиси Моҳир Валиев. — Бу вақт давомида фуқаро хабардор қилиб борилади. Агар шунда ҳам рўйхатдан ўтиш учун ариза топширмаса ва белгиланган муддатни бузса, унга маъмурий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Аммо ҳозирча жарима масаласи қўлланилмай турибди. Тизим тўлиқ электронлаштирилгач, жарима автоматик тарзда қўлланила бошлайди. Шу боис, хатлов натижалари ижобий топилагач, фуқаролар кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида ариза топширишлари тавсия этилади.

НЕГА ФУҚАРОЛАР ИМКОНияТДАН ФОЙДАЛАНМАЯПТИ?

Одамзоднинг табиати ғалати, қанча кўп қулайлик яратилса, ундан фойдаланишни шунча ортага сураверади. Очиги, юқоридаги рақамларни эшитиб хайрон қолдим. Сабаби, миллионлаб юртдошларимиз айни шу қарорни — ўз хусусий мулкларига ҳуқуқларни эътироф этилишини йилларки, интизор кутган. Ҳозир ҳам ахборот тизимидан ўз маҳалласи номини излаб, “кадастр ходими уйимизга қачон келар экан” деб кун санаётганлар кўп. Аммо асосий ҳаракатлар бажарилиб, ҳуқуқни эътироф этиш ҳужжатини қўлга олганларидан кейин биргина ариза топшириб, мулкни давлат рўйхатидан ўтказишга келганда эътиборсизлик қилаётганлари кишини ажаблантиради.

Ваҳоланки, юртдошларимиз аввал минг тарафга чопиб ҳам бу масалани ҳал эта олмагани сир эмас. Тўғри, олдин ҳам эътироф этиш ишлари акциялар тарзида ўтказилган. Аммо мутахассисларнинг айтишича, жараёнда қатор камчиликлар кўзга ташланган ва аксарияти аҳолининг зарарига ишлаган. Масалан, акцияларда ортиқча эгалаб олинган ерлар давлат захирасига қайтарилиши назарда тутилган. Янги қонунда эса ундай эмас, ортиқча эгаланган ер майдони ўша фуқаронинг ўзига томорқа ҳўжялиги сифатида расмийлаштириб берилади. Қолаверса, акцияларда эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ихтиёрий бўлиб, бундан кўп одамлар хабарсиз қолган. Ҳозир эса ҳар бир хонадонга кадастр муҳандисларининг ўзи бориб, хатлов асосида маълумотларни электрон ахборот тизимига киритмоқда. Фуқаролар энг охирида ариза орқали мулкни давлат рўйхатидан ўтказиб олса бўлгани.

Жараёнда кадастр муҳандисларининг аниқ, шаффоф ва масъулият билан ишлаётгани эътиборимни тортди. Ҳар бир рақам, ҳар бир маълумот эътибордан четда қолмаяпти. Бойси, умумий маълумотларни шакллантиришда аниқлик ўта муҳим. Ахир хатлов жараёнлари нафақат фуқароларга мулк ҳуқуқларини эътироф этиш, балки мамлакатимизнинг ҳар қарич ерини аниқ белгилашга қаратилган.

Ана шундай фидойи, ўз сабига садоқатли мутахассисларни эътироф этиш ҳам жараённинг бир қисмига айланган. Хусусан, Давлат кадастрлари палатаси томонидан жорий йилнинг сентябрь ойи хатлов натижалари асосида ТОП-10 илгор кадастрчилар аниқланиб, пул мукофотлари билан тақдирланди. Илгорлар сафидеа аёл кадастрчи — навоийлик Мадина Абдурахмонова етакчилиқ қилиб, бир ой давомида 145 та объектни хатловдан ўтказишга эришган. Бундай рабатлантириш ҳар ой ажунари бўйича бўлиши режа қилинган.

УЗОҚ КУТИЛГАН УМИДНИНГ РЎЎБИ

Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, боши осмонга етаётган одамлар ҳақида ёзиш бошқа-ю, уларнинг қувончини бевосита кўриб, ҳаяжонларига шерик бўлиш бошқа экан. Тошкент вилояти Кадастр бошқармасида айни шу жараёнга гувоҳ бўлдик. Вилоятда истикомат қиладиган яна 4 фуқаронинг кўчмас мулк объектига эгалик ҳуқуқи расман эътироф этилиб, кадастр ҳужжати тантанали тарзда топширилди. Улар орасида туғилганидан буён ўз уйида бегонадек, яъни кадастр ҳужжатисиз яшаб келаётганлар ҳам бор.

— Хонадонимизнинг ер майдони 13 сотих, 20 йилдан буён оилам билан шу уйда яшаб келаман, — дейди Оққўрғон тумани Қўриқ қишлоғи Сайлов Қуролов. — Аммо шу пайтгача уйимнинг кадастр ҳужжатлари бўлмаган. Бу бўйича тегишли ташкилотларга кўп марта мурожаат қилганимга қарамай, масала ҳал бўлмади. Асосан, рўйхатга қўйишда муаммо туғилди. Қозғоистонда истикомат қиладиган қизларим, қариндошларим келса, 5 кунгина қола олади. Уларни хонадонимга рўйхатга қўйишнинг имкони бўлмаган. Энди бу масалада қийналмаймиз. Чунки кадастрчиларнинг ўзлари уйимга бориб, ер майдонини ўлчаб, 13 сотихнинг барига эгалик ҳуқуқини расмийлаштириб берди. Кадастр ҳужжатларини бир ой ичидеа қўлимга олдим.

Бугун минглаб юртдошларимиз шундай қувончини туймоқда, яна қанчасини бу эзгулик кутиб турибди. Халқимиз узок кутган ва кучга кирганига бир йил тўлган юқоридеа қонун 2028 йил 1 январга қадар амал қилади ва ҳужжатлаштириш амалиёти уч йилдан зиёд вақт давомида тўлиқ амалга оширилиши белгиланган. Яъни мамлакатимиздаги ҳуқуқни эътироф этиш талабларига жавоб берадиган ҳар бир ер участкаси ва унда қурилган бино-иншоот белгиланган муддатга қадар кадастр ҳужжатларига эга бўлади.

Хатлов ўтказиладиган маҳаллаларнинг режа-жадвали эса ҳар йилнинг охирида Кадастр агентлиги сайтида эълон қилинади. Агар хонадонингиз бу йил хатловдан ўтмаган бўлса, декабрь ойида эълон қилинадиган келаси йил режа-жадвалига кириштирилиши ҳеч гап эмас.

ЯШИЛ МАЙДОН

БОЛАЛАРИНИНГ АППЛИК ХИСЛАТИ

ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНГОҶДА ҚАЙТА ЎЙФОНАДИ



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Футбол фақат тактика, техника, дриблинг, тезлик, комбинациядан иборат бўлганида бу даражада оммалашмас, ҳеч қачон кўлимиздан келмайдигандек кўринган хатти-ҳаракатлар натижаси бизни бунчалик ҳаяжонга солмас эди. Чунки у — кураш, ирода, ишонч рамзи. Шу жиҳати билан футбол ҳаётга ўхшайди: қутилмаганда ҳайратлантириб, ўзига янада яқинлаштиради. Инсоний фазилатлар футболчиларнинг маҳоратидан ҳам муҳим аҳамиятга кўтарилиши айнан яшил майдонда кўпроқ кузатилади. Шунинг учун ҳам спорт турлари орасида фақат футбол қобикни ёриб чиқиб, каттароқ мазмун касб эта олган.

Бу ўйин соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан ташқари жамиятнинг умумий кайфиятини ҳам белгилаб беради. Стадионда тўплаган минглаб мухлислар бир ярим соат мобайнида жараёнга сингиб кетади. Бу вақтда турмуш таъминларини унутиб, футбол билан яшайди. Мухлис ва ўйинчи ўртасида ҳиссиётга тўла мулоқот пайдо бўлади. Футболнинг жамиятда миллиятлараро тотувлиқни таъминловчи востига сифатидаги вазифаси ўйиннинг ҳар лаҳзасида намоён бўлади. Яқинда натижа қандайд бўлишидан қатъи назар, рақиблар кўл бериб, бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бу футболнинг, аввало, тинчлик-тотувликка асосланган спорт тури эканини кўрсатади.

“Миллионлар ўйини” бир қарашда дунёнинг барча ҳудудидан бир хил ўйналадигандек кўринади. Аслида, майдонда ҳар бир миллиятнинг ўзига хос этик хусусиятлари ҳамда миллий характери элементлари доим акс этиб туради. Масалан, Англия футболлида инглизларга хос совуққонликни, французларда ташқи кўринишга алоҳида эътибор бериш ҳолатини илғаш қийин эмас. Испанияда Лотин Америкаси футболли таъсирини галабани миллий рақслар билан нишонлашда кўрамиз. Германия футболли эса нафақат футболчилар, балки мураббийлар тайёргаб берувчи мактаби билан ҳам машҳур. Афсонавий инглиз футболчиси Гари Линекернинг “Футбол 22 киши 90 дақиқа ўйнайдиган ва

яқинда немислар галаба қозонадиган спорт тури” деган ҳазилнамо гапида бутун олмон футболлига хос хусусият мужассам.

Ҳўш, бутун ўзбек футболлининг бошқалардан ажратиб турувчи асосий белгилари нимада?

“Жанг қилаётган аскар шамолламайди” деган гап бор. Бойси, бутун вужуд каттароқ хавф билан курашаётганда, ўлим билан юзма-юз келганда, оддий, кичик хасталиклар ўз-ўзидан чекиниб кетаверар экан. Чиндан ҳам оқопада ўтирган аскарнинг сув ичгиси келса, томоғини оғримасин, дея иссиқроқ сув қидириши бир оз кулгили кўринади.

Бунни устуворлик дейилади. Бирор кичик масала асосий мақсадга эришишда халал берганида ундан воз кечилади. Масалан, тажриба орттириш учун меҳнат қилиш дам олиш ҳуқуқидан устун, миллат умидини елкага олиб майдонга тушиш шахсий истаклардан ўн баравар юқори туради. Ўзбек футболлини мана шу устуворлик орқали таниб оламиз. Яшил майдонда жуссасига нисбатан анча катта ирода ва матонат намойиш этаётган йигитларни кўрсангиз, демак, майдонда ўзбеклар тўп сурмоқда.

Бундай метин характернинг пайдо бўлишида, шубҳасиз, мамлакатимизда сўнгги йиллардаги кенг қўламли ишларнинг таъсири катта. Ўтган қисқа даврда маҳаллий чемпионатлар тизими ислох қилиниб, болалар ва ўсмирлар академиялари ташкил этилди. 2017 йилда юртимизда ФИФА ва Осиё футбол конфедерацияси талабларига жавоб берадиган майдонлар сонни аттиги 3 та эди. Бутун уларнинг сони 10 дан ошди. Яқинда Юқори Чирчиқ туманида замонавий Миллий футбол маркази қуриб битказилди. Ўшбу соҳа ривожини учун жаҳоннинг нуфузли футбол клубларидан тренерлар, спорт тиббиёти ва фармакологияси бўйича малакали мутахассислар, спорт психологлари жалб қилинди. Бу саъй-ҳаракатлар натижа бера бошлади.

Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз ўтган йили Париждаги олимпиадада биринчи марта иштирок этди. Тарихимизда илк бор миллий терма жамоамиз келгуси йилда бўладиган жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (U-17) ақл бовар қилмас йўлни босиб ўтиб, ўз тарихида учинчи марта Осиё чемпионати финалига чиқди ва галаба қозонди. Ўн уч йилдан сўнг тарихий натижани тасдиқлаб, 2012 йилдан буён илк марта совринни



“Вест Бромвич” мўъжизаси: Ислом Исмоиловнинг даъваткор хитоби

Ўзбекистон U-17 терма жамоаси бош мураббийи Ислом Исмоилов ёшлардаги туркий қувватни, қаҳрамонлик руҳини қандай ўйғота

олганини яқин ўтмишдаги бир аjoyиб воқеа билан боғлаб тушунирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

2015 йил. Юрген Клопп “Ливерпуль”га эндигина келган пайтлар эди. Жамоа жадвалда ўрта ўринларда, натижалар беқарор, келаси мавсум учун стратегия ҳали тўлиқ шаклланмаган. Клоппнинг эътибори шов-шувли трансфер режасида эмасди, дарҳол тактикани ўзгартиришга ҳам ошқикмади. Унинг мақсади бошқа — “Ливерпуль”га ишонч туйғусини қайтариш эди.

Бир ўйинда бу гоё қутилмаган тарзда кўзга ташланди: “Энфилд”да “Вест Бромвич” билан кечаётган учрашувнинг сўнгги дақиқалари. “Ливерпуль”нинг навбатдаги маглубиятини мухлислар аллақачон тан олиб бўлган, шунчаки ҳакам ҳуштагини чалишга шошилмаётганди. Бироқ Клоппнинг жамоаси шу қадар шиддатли ҳужумлар уюштирдикки, рақиб дош бера олмади, ҳисоб тенглашди. 2:2. “Ливерпуль”дек жамоа учун оддий, балки қониқарсиз натижа. Биргина очко берилди, холос. Аммо энг қизғини ўйин тугагач бошланди. Клопп шогирдлари билан қўл ушлашиб, ашаддий мухлислар ўтирадиган тарафга борди. Биргаликда дурантни нишонлай бошлашди. Ҳамама тизилиб олган, майдон четига қараб югуриб, мухлислар ёнига борганда кўлни юқорига кўтаришди. Яна ортга қайтиб, шу ҳолат такрорланавари. Илмалар бўляпти ўзи?

Гап шундаки, Клопп иш бошлаганининг илк ойларидаёқ “Ливерпуль” учун бегона бўлмаган туйғун эслатётган эди: ҳеч қачон таслим бўлма!

Тўғри, ҳар қандай жамоа 2:1 ҳисобида ютаётганда, охири дақиқаларда қучли бўлиб кетади. Рақиб ким бўлишидан қатъи

назар, охириги дақиқаларда гол уриш осон эмас. Аслида, “Ливерпуль” ўша оқшом “Вест Бромвич”дан бир очко олганини эмас, охириги дақиқаларда вазифа удралганини нишонлаётган эди. “Хуштак чалинмадим, таслим бўлма, ҳаракат қилавер, мухлислар биз билан, биз удралаймиз, бутун бўлмасан, эртага, вазифа қай даражада оғир бўлмасин, бу иш қўлимиздан келади”. Мана шу гоёни бир-икки футболчи ёки таркибга эмас, бутун “Ливерпуль” аурасига, клуб ҳодимларидан тортиб, мухлисларгагина сингдириш керак эди. Клопп бунни удралади. Ана шу руҳ кейинчалик “Ливерпуль”ни Европа чемпиониға айлантирди. Қатор совринларни тақдим этди. “Вест Бромвич” мўъжизаси эса футболчилар учун илҳом манбаига айланди.

2025 йил 20 апрель. Осиё кубоғи финали. Ўзбекистонлик ўйинчилар биринчи бўлимнинг ўзидаёқ 2 та қизил карточка олди. Оқибатда майдонда 9 киши бўлиб тўп суршга мажбур бўлди. Ўзбекистон U-17 терма жамоаси бош мураббийи Исломбек Исмоилов танаффус пайти йигитларга бундай деди: “Галаба қозонишни хоҳлайсизларми? Агар шундай бўлса, барчасини унутиб, курашга киришиш керак. Чунки айни дамда тақдирингизни ўзингиздан бошқа ўзгартира оладиган ҳеч ким йўқ”.

Шундан кейин нима бўлганини биламиз. Йигитларнинг фантастик галабасини эслаб, ҳакам энтикамиз. Ислом Исмоилов феъл-атворида ўзбекона қатъият бормиди қил ўсмирлар фавқулодда истеъдодли эдим, бутун бунни ҳеч ким аниқ айт олмайди. Жамоа ўз даражасини майдонда исботлади. Энг муҳими, ҳар қандай вазиятда, ҳар қандай рақибга қарши қанчалар вазифани удралаш мумкинлигига ишонч пайдо бўлди.

Мураббий стратегик ва техник ишлардан ташқари жамоани руҳлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди. Футбол нафақат жисмоний, балки руҳий ўйин бўлгани учун мураббий футболчиларнинг психологик ҳолатига эътибор қаратиши керак. Моҳир мураббий ўйинчиларнинг босим ва стрессни енгишига ёрдам беради. Ҳиссий мувозанатни таъминлайди ва уларнинг қимматли лаҳзаларда тўғри қарор қабул қилишига кўмаклашди.

Мансублик ҳисси

Бу музаффарият ортида нафақат бетиним машғулотлар, пишиқ тактика ва стратегиялар, балки бир халқнинг тарихий хотираси, ўзлигини исботлашга интилиши мужассам. Ўшбу мураббийлар ҳаётда акс этиши учун эса ислохотлар тизимли йўлга қўйиб борилаётди.

Президентимиз шу йил 11 ноябрь куни Янги Тошкентда йирик спорт иншооти — замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйди. Бундан олдин — 2 октябрь куни эса ФИФА кенгаши йиғилишида футбол бўйича 20 ёшгача бўлганлар ўртасида 2027 йилдаги жаҳон чемпионатини Ўзбекистон ва Озарбайжонда ўтказиш бўйича қарор чиқди. Ўшбу жаҳон чемпионати доирасидаги ўйинлар икки мамлакатдаги 3 тадан стадионда ўтказилади. Жаҳон чемпионатларининг финал ва ярим финал ўйинлари снгиими 50 мингдан кўп бўлган стадионда ўтказилиши ФИФА талабларидан биридир. Шу боис, мамлакатимиз футболли учун муҳим лойиҳа — Янги Тошкент стадиони қурилишига старт берилди.

Янги Тошкент ҳудудидаги барча лойиҳа замонавий меъморчилик ва миллий қадриятлар уйғунлигига экологик ва “ақлли бошқарув”га асосланиб барпо этилмоқда. Шу умумий концепция асосида қуриладиган янги стадион ҳам табиат билан уйғун бўлади ҳамда “яшил энергия” ва “қўлай муҳит” таъминлигига асосланади.

Мақкур стадион ФИФАнинг барча талабларига мос равишда барпо этилади ҳамда Осиёдаги энг йирик ва замонавий инфратузилмага эга футбол майдонларидан бирига айланади. У нафақат 2027 йилги 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати, балки айни вақтда бутун Ўзбек футболли ва ёшлар спортининг келгуси ривожини учун ҳам хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Бутун дунёнинг нуфузли футбол клубларида тўп сурётган 20 нафар ҳамюртимизнинг умумий трансфер қиймати 60 миллион АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимиз футболининг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланди. Абдуқодир Ҳусановнинг Осиёдаги энг қиммат футболчи сифатида эътироф этилгани эса эртага битилдиган шонли тарих учун ёруғ дебеча бўлишига ишончимиз комил.

Инсон шундай: оиласи, миллати, жамиятдаги ижтимоий ўрни билан боғлиқ жиҳатларини англаб, улардан илҳомланади. Бир ватандош муваффақиятининг иккинчисига таъсири ўзини айнан шу контекстда — бир миллатга оидлик ҳиссида намоён бўлади.

Бир неча ой олдин Абдуқодир Ҳусановнинг “Манчестер Сити” захирасида кўп қолиб кетганди, ундан кўра нуфузи куйроқ бирор жамоада майдонга муттасил тушгани яхши бўлиши, унинг ўйин амалиёти терма жамоага кераклиги ҳақида қўйлаб мухлислар, спорт журналистлари гапирган эди. Вақт ўтди, мақкур фикрларнинг ҳато эканига мана, аста-секин гувоҳ бўлиб бормоқдамиз. Ахир ўйлаб кўринг, нуфузли клубда ҳамюртингиз ўйнаса, ҳар бир хатти-ҳаракати дунё телеканалларида таҳлил қилинса, манаман деган футболчилар Ҳусановнинг елкасига қоқиб қўйса, Ўзбек, Ўзбек, деб гапирса, нечоғлиқ катта гурур беради одамга! Ўзбек бўлса нима, улар мен танимайди-ку, дерсиз. Йўқ, унақа эмас! Мансублик деган туйғу бор — бу қайсидир яхши жиҳатда мансублик, ижобий тавсифланётган ким биландир умумий жиҳатингиз борлиги. Бунни таърифлаб бўлмайди. Аслида, изохлаш ҳам шарт эмас. Тушуниб етдигиз-ку, тўғрими?

Давлатимиз раҳбарининг кунни кеча тиббиёт ва фармацевтика ҳодимлари билан учрашувида илгари сурилган ташаббуслар мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини замонавий стандартларга мос равишда қайта қуриш ва инсон саломатлигини устувор қадриятга айлантиришга қаратилган. Зеро, ушбу мулоқотда тиббиёт тизими мутасаддилари олдига ҳар бир инсон учун қўлай, адолатли ва шаффоф тиббий хизматни йўлга қўйиш вазифаси юклатилди.



Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан,
таълим ва соғлиқни сақлаш
масалалари қўмитаси раиси

Хусусан, 2026 йилдан бошлаб 26 та марказ директорлари, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарлари, оилавий поликлиника

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТЛАР ЭНДИ ФАҚАТ ТАШКИЛИЙ ЎЗГАРИШ БИЛАН ЧЕГАРАЛАНМАЙДИ

мудирларини лавозимга тайинлашда янги тартиб жорий қилинади. Энди “раҳбар” ва “бош шифокор” лавозимлари ажратилади. Мазкур янгилик оддий ташкилий ўзгариш эмас, балки бутун бошқарув маданиятини янгилашга қаратилган ислохот, десак муболага бўлмайди. Бу орқали тиббиёт муассасаларидаги масъулият икки асосий йўналиш бўйича аниқ таъминланади: раҳбарлар — молия, лойиҳа ва ресурслар бошқаруви, бош шифокорлар эса клиник жараёнлар ва тиббий хизмат сифати учун жавобгар бўлади. Таъкидланганидек, ҳар икки лавозимда билимли, тажрибали ва натижа кўрсатган кадрлар ишлаши лозим.

Президентимизнинг ушбу қарори соҳада йиллар давомида тўплаган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш натижасида қабул қилинган бўлиб, бошқарувда профессионаллик, масъулият ва очиқлиқни таъминлашга қаратилган. Кўп йиллар давомида шифохоналарда раҳбарлик лавозимини эгаллаган шифокор бир вақтнинг ўзида ҳам бошқарувчи, ҳам клиник раҳбар вазифасини бажарди. Натижада ҳеч бирига тўлиқ эътибор қаратилмади, менежментда самарасизлик, тиббий жараёнларда эса сустқилиш юзага келди.

Энди эса ҳар икки йўналишда профессио-

Тиббиёт

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ:

ИСЛОҲОТЛАР ЭНДИ ФАҚАТ ТАШКИЛИЙ ЎЗГАРИШ БИЛАН ЧЕГАРАЛАНМАЙДИ

наллик устувор бўлади. Раҳбар муассасани иқтисодий жиҳатдан барқарор, хизмат кўрсатишни қўлай ва тизимли ташкил этадиган менежер бўлса, бош шифокор тиббий хизмат сифати, протоколларга амал қилиш ва шифокорлар малакасини оширишга ҳаракат қилади.

Янги тизим доирасида раҳбарлар фаолияти КРП — аниқ кўрсаткичлар асосида баҳоланади. Бу баҳолаш фақат рақамларга эмас, балки одамлар розилигига боғлиқ бўлади. Масалан, беморнинг қабулгача бўлган йўли қанчалик қисқа, хизмат қай даражада тез ва самимий кўрсатилаётгани, профилактика ишлари қамрови, ускуналар қандай ишлатилаётгани, шифокорлар малакаси — буларнинг барчаси раҳбар фаолиятини белгилайди. Бу ҳисобот учун эмас, натижа учун ишлайдиган тизим сари муҳим қадамдир.

Шу билан бирга, Президентимиз янги тизимдаги яна бир муҳим жиҳатни таъкидлади: ҳудудий раҳбарлар ва бош шифокорлар республика марказлари билан тўғридан тўғри интеграция асосида ишлайди. Ҳар бир ҳудуднинг саломатлик ҳолати, касалликлар динамикаси ва эҳтиёждан келиб чиқиб, марказларга профилактика, даволаш, малака ошириш ёки скрининг бўйича аниқ буюртма

берилади. Бу ҳолат қарорлар қабул қилиш жараёнини марказлаштирилган эмас, балки жойлардаги ҳақиқий эҳтиёгга таяниб қайта қуришга хизмат қилади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг инсон оғирини ҳис этиши, бемор йўлини шахсан босиб ўттиш ҳақидаги сўзлари соҳа вакиллари қалбига чуқур ўз қолдирди, десак муболага бўлмайди. Бу фикр раҳбарлик масъулиятини фақат вазифа эмас, балки инсоний бурч сифатида қабул қилиш зарурлигини яна бир бор эслатди. “Бутун одамларнинг ҳаётга муносабати ҳам, талаб ва эҳтиёжлари, дунёқарashi ҳам тубдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам сифатни ошириш, замонавий ёндашувлар олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис, тиббиётда халқнинг баҳсини эшитадиган тизимни жорий қилимиз”, деди Президентимиз.

Бу сўзлар нафақат тақдир, балки раҳбарлар учун амалий кўрсатмадир. Чунки ҳар кун мианглаб одам навбат қутишга мажбур бўлмоқда. Улар учун тиббий хизмат сифати Ўлчови тизимдаги ҳисоботлар эмас, балки инсонга муносабатда акс этади. Шу боис, бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш бўйича қатъий вазифалар белгиланади.

Шунингдек, ҳар бир вилоят ва туман тиббиёт бўлиmlари раҳбарлари, бош шифокорлар ҳамда поликлиника мудирларига маҳалаларда қулниқ қабуллар ўтказиш вазифаси топширилди. Бу орқали раҳбарлар халқ ичига қиради, одамларнинг муаммосини эшити-ди, ҳақиқий ҳолат билан юзма-юз бўлади. Ўз навбатида, бу тиббиёт тизимида очиклик ва ҳисобдорлик маданиятини кучайтиради. Йиғилишда таъкидланганидек, раҳбар қабул-ни жойларда ўтказса, одамлар розилигига ош-ди, тизимга ҳаққоний баҳо берилди.

Учрашувида илгари сурилган ҳар бир ташаббус замирида битта мақсад мужассам. Яъни бошқарувни профессионаллаштириш, клиник сифатни ошириш, профилактика ва бирламчи тиббий хизмат самардорлигини кучайтириш ҳамда жамоатчилик олдига очик ҳисобдорлиқни таъминлашдир. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ва шифокор ўз ишини нафақат ҳисобот, балки беморнинг манфаати учун бажариши лозим. Янги тизимда раҳбарлар бемор йўлини шахсан бо-сил қўйиши, хизматларни самарали ва тезкор кўрсатиши орқали тизимнинг ишончили ва инсонпарварлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар энди фақат ташкилий ўзгариш билан чеклан-майди. Бу ислохот инсон қадрини юксалти-риш, беморга ҳурмат билан ёндашиш, шифокорнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва раҳбарлик маданиятини янгиланиш ҳам қам-раб олади. Ҳар бир раҳбар ўзини бемор ўрни-га қўйиб кўрса, ҳар бир шифокор ўз касбини фидойилик билан бажарса, ҳар бир беморга ҳурмат ва эътибор билан ёндаша, мана шун-да янги тизимнинг ҳақиқий самараси намоён бўлади.

Ҳар йили Тиббиёт ва фармацевтика ҳо-димлари кунни муносабати билан давлат тиббиёт муассасалари ҳодимлари рағбат-лантирилади. Янги даволаш усулини жо-рий қилган шифокорлар 21 миллион сўм-лик пул мукофотиға эрга бўлади. Камида 15 йиллик стажга эга тиббиёт ҳодимлари санаторийларга бепул йўлланма олади, фарзанди давлат олиғигоҳига ўқишга кир-ган тақдирда бир йиллик контракт сум-масининг 30 фоизи чегирмасидан фойда-ланади ва ҳар йили фаолиятида алоҳида натижаларга эришган 500 ҳодимга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи компенсация қилинади.

Шунингдек, камида 3 йил стажга эга ҳо-димларга, зарурат туғилганда йилга бир марта бепул юқори технология иختисослаш-ган тиббий ёрдам кўрсатилади. Халқроқ тан олинган индекславуиш журналларида илмий мақола нашр этиш учун сарфланган харажат тўлиқ қопланади. Бу чоралар ҳодимларнинг касбий фаоллигини ошириш, инновацион даволаш усулларини жорий этиш, илмий тадқиқотлар билан шугулланиш ва ижтимоий барқарорлиқни таъминлайди.

Президентимизнинг тиббиёт ҳодимлари билан ўтказган мулоқоти ҳақиқатан ҳам та-рихий учрашув бўлди. Унда соғлиқни сақлаш соҳасининг умумий аҳоли, уш ривожланти-риш масалалари, тизимдаги долзарб муаммо-лар очик-ойдин айтилди. Янги Ўзбекистонни бошқа соҳалар қаторида тиббиётни ҳам рив-ожланган давлатга айлантириш бўйича ус-тувор вазифалар белгилан берилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

Тун. Ферузнинг кўҳна аркдаги саройи. Шамол ўймакор дарчанинг тавақаларини бир-бирига уриб, тарақлатиб ёпди. Кичкина курси устидаги қоғозлар шилдираб учиб кетди. Шамчиरोқ шуъласи йўнаб чайқалди-ю, ана бир маромда ёрулик тарката бошлади. Қоғозларни йиғиштиришни хаёлига ҳам келтирмаган Комил сопига майда фируза тошлар қадалган мўъжаз пичоқ билан қалам йўниб, сиёҳдонга ботирди. Қитирлатиб нимадир ёзди, сўнг тўхтаб қолди — учкур хаёлларида берилди...

“Таржима — икки халқни, икки тилни бир-бирига боғловчи қудратли восита, дўстлик, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлайди. Тил равнақида хизмат қилади. Меҳр-оқибатни устувор этади. Хон ҳазратлари мутаржимлик санъати такомилли йўлида яхши саъй-ҳаракатлар қилиб, шарт-шароит яратиб берди. Деҳлиларки, таржима нусха кўчириш эмас, балки қайта яратмоқдир. Шундай таржима бўлсинки, маҳаллий халққа тушунарли, содда, раво бўлсин. Аммо асардаги мазмун, мантиққа асло путур етмасин”.

Оғина дам олган бўлди-да, Сафийнинг “Лагойиф ат-тавоийф” асарини яна кўлига олди. Сафий йирик ижодкор. Навоийнинг замондоши Кошифийнинг ўғли. Ҳукмдорлар, олимлар, шоирлар, шайхлар, дарвешлар ва шу даврда яшаган бошқа тоифадаги кишилар ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар, латифалардан иборат “Лагойиф ат-тавоийф” китобининг таржима қилинишини айнан хон ҳазратларининг ўзлари буюрган.

Комил шиддат билан ишга киришди. Бундан олдинги асарни форсчадан ўзбекчага ўтирган чоғидаги тақрибаси кўл келди. Мутаржимликнинг ўзига хос жиҳатларига ҳисобга олиб, 14 боғча киритилган 400 дан ортиқ ҳикоя, латифани китобхонлар савиясин, дидига мослади. Устидан қайта ишлади. Эринмади. Шомдан тонггача таржима устида ўтирган пайтлари бўлди. Авлиёларга бағишланган, Жомий, Навоий ва бошқа зиёлиларга ҳақидаги ҳикоялар, латифаларни, айниқса, завқ-шавқ билан таржима қилди.

— Шундай катта китобни қисқа муддатда таржима қилиб, савоб иш қилдингиз, — деди Феруз асар билан қисқача танишиб. — Энди бу китоб биз ва келажак насллар учун мумтоз мерослардан бири бўлиб қолажак...

Муҳаммад Раҳимхон сарой атрофига адабиёт ва санъат арбобларини тўплаб, латиф кечалар ўтказишга анча вақт сарф қилган. Ўзи ҳам яхшигина шеър ёзиш қобилиятига эга бўлган Муҳаммад Раҳимхон “Феруз” тахаллуси билан ғазаллар ҳам ёзарди. Унинг замонида Хоразмда тошбосма ташкил этилди. Навоийнинг айрим асарлари ва Хоразм шоирларининг кўп девони ана шу тошбосмада нашр қилинди. Форс-тожик адабиётидан муҳим тарихий, адабий асарлар ўзбек тилига таржима қилинди. Феруз давридаги адабий муҳитнинг жонлинида Комил Хоразмийнинг таъсири ва хизмати бениҳоя катта бўлди.



КОМИЛХОН ОТАНИЕЗОВ “ЛАЗГИ”НИ ҚЎШИҚ ҚИЛИБ АЙТИШНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ БОШЛАБ БЕЗОНДИ, ТАРИХДА ҚОЛДИ. БУНИНГ УЧУН У БИР УМР КОМИЛ ХОРАЗМИЙДАН МИННАТДОР БЎЛИБ ЮРДИ.

“Қайси фалак буржининг меҳри пуранворисен?”

Абдулла Сафоев “Комил Хоразмий” номили хужжатли қиссасида Комил Хоразмий билан машҳур санъаткор Комилжон ОтаНИЕЗОВ ижодининг ўзаро ҳамоҳанг, чамбарчас боғлиқ бир жиҳати борлигини, бу ҳақда унга қўшиқчи ёнида 20 йилдан ортиқ муддат доирачи бўлиб ишлаган Отаназар АбдолниеЗОВ ҳикоя қилиб берганини батафсил ёзган.

Баён этилишича, 1966 йили узоқ Африкадан қандайдир таниқли санъаткорлар труппаси Тошкентга келади. Бир неча кун пойтахтда концерт беради. Шу кунларда Комилжон ОтаНИЕЗОВнинг ҳам концерти бор эди. Қўлда торини сайратиб турган катта афшлар шахар бўйлаб кўзга кўринарли жойларга ёпиштириб ташланган. Афишаларни кўрган шекилли, ўша африкалик санъаткорлар концертга кириб, олдинги қаторга ўтиради.

Концерт бошланади. Одат буйича уста “Ассалом” деган машҳур қўшигини айтиб, залда ўтирганларга хурмат-эҳтиромини билдиради. Сўнг “Феруз”, “Сувора”, “Ушшоқ”, изидан замонавий қўшиқларга ўтади. Концерт охирида “Хоразм лазгиси” янграйди. Саҳнага товусдек товланиб Гўлчеҳраҳон Исмоилова чиқади. Қўшиқ бошланиши билан атрофни қарсақлар садоси тутиб кетади. Гўлчеҳраҳон даврани тўлдириб хиром этади.

Бир пайт ҳалиги африкалик аёлу эркалар саҳнага чиқиб, баъзилари ўтирган ерида рақсга тушиб кетади. Уларни кўрган ўзбек томошбинлари ҳам даврага қўшилади. Санъаткор бу манзарадан ҳайратланиб, борган сари қўшиб қуйлайди, қўшиги барча миллатнинг санъат ишқибозларига бирдек таъсир этганидан завқланиб кетади.

— Кўрдингми “Лазги”нинг қудратини! — дейди уста концертдан кейин доирачи. — Анавиларнинг Гўлчеҳрага қўшилиб ўйнагани кўз олдимдан кетмай турибди. Ўзинг гувохсан, бу куйга ҳиндлар, испанлар, турклар, руслар, туркман қозоклар, яна не-не миллат кишилари қўшилиб ўйнаганига. Инсон вужудига асли жон мана шу “Лазги” орқали киргани ҳақидаги ривоят бежиз эмас. Ана шундай мўъжизали куй бу! Ҳар қандай одамни мафтун қилиб, даврага чорлайди.

Бунинг бошқа сири ҳам бор эди. Комилжон ОтаНИЕЗОВ “Лазги” оламига янгилик олиб кирганди. Аввалига “Лазги” фақат куй тарикасида ижро қилиб келинарди. Уста унга биринчи бўлиб сўз боғлади. Кўп изланди. Куйга монанд сўз топшиш учун юзлаб китобларни varaқлаб чиқди. Охири Комил Хоразмийнинг “Сўйла менга, эй санам, кимни севар ёрисан?” деб бошланган муҳаммаси маъқул бўлди.

Бу кўнчиққа, айниқса, “Эй қоракўз, бўй-буй, эй қоракўз, гал бари” деган нақароти худди узукка кўз қўйгандек мос тушди. Қўшиқ аввалидаги “...Йигит боши омон бўлса, моли бўлар — молсиз бўлмас, омон, омон-эй, омон!” деган сўзларини ҳам қўшиқ матнидан келиб чиқиб, устанинг ўзи киритган эди.

Хуллас, Комилжон ОтаНИЕЗОВ “Лазги”ни қўшиқ қилиб айтишни биринчи бўлиб бошлаб бергани билан янада шухрат қозонди, тарихда қолди. Бунинг учун у бир умр Комил Хоразмийдан миннатдор бўлиб юрди. Қачон Хивага келса, Пахлавон Маҳмуд мақбарасини зиёрат қилганидан кейин, албатта, Комил Хоразмий руҳи мангу ором топган масканга — уй-музейига кириб, дуои фотиҳа қилишни қанда эмтас эди.

— Комил Хоразмий буюк зот бўлган. Агар мана шу сулҳларвар инсон бўлмаса, Ичан қалъадаги мана бу асрий ёдгорликлар урушлар туфайли тупроққа тўлиб, ер билан яқсон қилинарди, аҳоли қирилиб кетарди. Агар бу зот ҳаракат қилмаса, бебаҳо бойлигимиз — Хоразм мақоми нота ёзувига олинмай, йўқолиб кетарди. Унинг халқ олдидаги, тарих олдидаги хизматлари кўп. Руҳи шод бўлсин, — дерди.

Комилжон ОтаНИЕЗОВ Комил Хоразмий билан бениҳоя фахрланар, асарларини севиб мутлола қилар, ундан қолган меросга меҳр-муҳаббатни чекмас эди. Комил Хоразмий муҳаммаси асосида яратилган “Лазги” ана шу меҳрнинг меvasи эди.

“Танбур чизиги”

Абдулла Сафоевнинг кўнгил билан ёзилган қиссасини ўқирканман, Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида бўлиб ўтган базму жамшидлар шовқини устидан голиб келаётган мусиқа ва мушоиралар товуши қулоғимга чалинади. Мана, улардан бирида хоннинг адабиёт, санъатга раҳнамолиги, ўзи ҳам бу илмлардан хабардор экани, шоиру созанда, бастакору гўяндалар бошини бир жойга қовуштириб, мақом кечалари уюштиргани ҳар қанча таҳсинга сазовор экани қайта-қайта тилга олинмоқда.

Мақомларни тушуниб, ҳис қилиб қуйламоқ ва тингламоқ масаланинг бир томини, — деди Феруз. — Яна бошқа бир муҳим жиҳати ҳам борки, биз бунинг кечиктирмай ҳал қилмасак, келгуси авлодлар бизни кечиктирмайди. Ота-боболаримиздан бизга мерос ўн икки мақомнинг олти ярами мавжуд. Қолганларича? Қаредан топамиз мақомларимизнинг йўқолганини? Кимдан оламиз? Мен кўп ўйлаб, бу саволга жўяли жавоб тополмадим. Шундай қарорга келдим:

агар мақомларимизнинг ҳозир борини қозғога тушириб қўйма-сак, йиллар ўтиб, улар ҳам исиз йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу ишни ҳассос шоиримиз, моҳир созанда, бастакоримиз Комил Хоразмийга топширсак. Бир неча бор ўрус юртига — Петербург, Москва, қолаверса, Тошкентда борганида бу иш билан қизиққан, анча-мунча ўрганган. Зарур бўлса, яна юборамиз. Мақомларимизни асраш, бойитиш йўлида неки даркор бўлса, аямаймиз. Мол-мулк, олтин-қумуш ўрнини тўлдириш, қоплаш мумкин. Аммо унутилган, йўқолган меросни қайта тиклаш, топиш душвор, жуда мушкул. Балки адо ҳам этиб бўлмас бу ишди. Шунинг учун мақомларимизни қозғога тушириш ишини Комил Хоразмий бошқилигида ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб адо этсак.

Бу қимматли фикр давра аҳлига нафақат кайфият, рағбат, шодлик, балки фахр, гурур бағишлади. Санъатсевар ва элпарвар хонга ихлоси янада ошди. Комилнинг кўнгли туйгуларга тўлиб-тошди, худди куйнинг ўзидек сеҳрли куч уни оҳанрабодек оғушига тортиди. Бир зўр истак, шижоат, мақсад, гурур билан олдин улуг пир — Пахлавон Маҳмуд мақбарасига қадам ранжида қилди. Забардаст сиймонинг ҳоми пойини зиёрат қилди, сўнг зўр бериб ишга киришди.

Петербургдан олиб келган нота ёзувларини олдиға қўйиб, уларни қайта-қайта синчковлик билан кўздан кечирди. Бунинг сирү

синоати қаерда экан? Гоҳ майин, гоҳ жарангдор оҳангларни қозғога қай тарзда муҳрламоқ лозим? Мақомнинг даромади, ўрта авжи, авжи, катта авжи бор. Овознинг кучини куй баробарида аниқ-тиниқ кўрсатмоқ, қозғога жойламоқ жон. Оддий, тушунарли йўсинда. Катта дафтарнинг ҳамма саҳифасига танбурнинг ўн саккиз пардасига қараб ўн саккиз чизик тортиб чиқди. Яна уч-тўрт дафтар varaгини шундай чизиклар билан тўлдириди. Сўнг қайси куй нечанчи пардага тўғри келса, зарбларнинг урилишига биноан зарур нуқталарни нотага жойлаштириб чиқди.

Бу юмуш аввал кўзга осон бўлиб кўринса-да, кейинчалик худди игна билан қудуқ қазиш каби мушкул, нозик иш эканини англади. Лекин чекинмади, лоқайдликка, хотиржамликка берилмади. Ҳатто кўп тунларни бедор ўтказди. Шу тарика “Рост” мақомининг бош қисмини нотага солишга муваффақ бўлди. Бу мақомни ўзи басталаган “Пешравий Феруз”, “Мураббайи Комил” куйлари билан тўлдириди.

Фахр уз-замон

Комил Хоразмийнинг жонқуярлигидан огоҳ бўлиб турган Муҳаммад Раҳимхон бу инсоннинг сабр-тоқати, иродаси, куч-ғайратига қойил қоларди. Айниқса, янгиликка интилиши, давр, замон руҳини ижодига пайванд этиши хонга хус ёқарди. Комил ўзидаги бу қабил фазилатларни фарзандларига ҳам сингдира олди. Улар ҳам адабиёт, санъатнинг ич-накам шайдолари бўлиб ўлгади. Катта ўғли Матрасул “Мирзо”, ўртанча ўғли Абдурасул эса “Пуркомил” тахаллуси билан шеърлар ёзар, саройдаги мушоира кечаларида ўқиб берганида хонга, даврадагиларга манзур бўлганидан Комил Хоразмий ота сифатида гоят шодланарди. Фарзандларининг ёгани айрим баъзларга киритилганида улардан девон тартиб беришини орзу қиларди.

Фарзандлар санъат борасида ҳам отасига эргашиди. Мақомни нотага тушириш чоғида сал бўш вақт топишса, отасининг ёнига ошқарди. Абдурасул Гурланга ҳоким этиб тайинланганидан кейин нота ёзуви билан боғлиқ ишлардан бир оз чекинди. Хон саройида мирзобоши бўлиб хизмат қилаётган Матрасул эса отасининг бу хайрли ишига қизиқар, бутун вужуди билан берилиб, диққат-этиборини бир нуқтага жалб этар эди. Ҳатто чарчаган пайтлари отасига ёрдам беришга қоларди. Комил Хоразмий ўйланчол қолди. Қараса, ўғли бу ишни ўзидан ҳам яхшироқ уйдлашга қодир.

— Ўғлим, — деди кунлардан бир кун у, — биласан, давлатнинг кўп иши менинг зиммада. Девонбеги сифатида мамлакатнинг бутун божи, хирожи ва закотини йиғиш, жамлашга бош бўлиш осон эмас. Бу ёғи Питнак,

у ёғи Хўжайли, Кўнгирот, Кўҳна Ургангча бу ишларни йўлга қўйиш мушкул. Хонга айтмаман: энди нота ёзиш ишларини ўзинг давом эттирасан. Бунинг учун имконинг бор. Сен мудом Хивадасан. Хон сенга ишонади. Ахир сен унга танбур, гижак чалишни ўргатгансан. Бир даврда ҳатто сени мақтаб, “Мусиқа соҳасидаги муаллимимиз”, деб айтганида бошим осмонга етган.

Комил Хоразмийнинг фикрини хон маъқуллади. Отасидан кейин Матрасул Мирзо Хоразм олти ярим мақомини “Танбур чизиги”га муҳрлашни охирига етказишда гайрат ва садоқат кўрсатди. Нота ёзувидаги мураккаб жиҳатлар — уфқий чизиклар орасидаги фарқлар, нағмаларни хоналарга ажратиш, ҳар мақом бошида бу мақомга хос махсус усул ёзиш, гўянда билан чалинадиган айтимларни алоҳида, гўяндасиз чалинадиган оҳангларни алоҳида ёзишда эринмади.

Отасининг изидан бориб, бастакор сифатида “Рост” мақомига “Саъб” ва “Уфорий” номили икки куй басталади. Унинг бу муҳим ва оламшумул ишга ижодий ёндашгани нотанинг “Тасниб” ва “Мушкулот”, яъни “Манзум” ва “Мансур” қисмларини алоҳида-алоҳида икки китоб қилганида янада яққол намоён бўлди. Мақомлар нота ёзувининг бутун Хоразм элининг бебаҳо мулкига айланиши, мукаммаллик касб этишида Муҳаммад Ёқуб харрот, Худойберган муҳрон, Комил Девоий, Муҳаммад Юсуфбек Баёний ҳам мададкор, ҳамкор, ҳамнафас бўлди. Улар томонидан ҳам “Танбур чизиги” нотаси бир неча бор қайта кўчирилиб, нусхаси кўпайтирилди. Комил Хоразмийнинг ўзи бу ишларга бевосита раҳбарлик қилиб турди. Шундан сўнг санъаткорлар суянадиган салобатли “тоғ” — нота ёзуви мукаммал ҳолатда эди. Энди мусиқа аҳли нотага туширилган мақом йўллариин изчил ижро этиш санъатини ўрганишга ихлос билан киришиб кетди.

Бир шам, бир сўз, бир куй, бир умр...

Комил Хоразмий ўзбек адабиёти, санъати, маданияти ривожига катта ҳисса қўшди. Шоир сифатида ўзбек мумтоз адабиётига ўзига хос салмоқли ўрин эгаллади. Хушхат хаттот, моҳир мусиқачи, билимдон бастакор ва давлат арбоби сифатидаги хизмати билан ҳам тарихда ўчмас из қолдириди. Фарзандлари Муҳаммад Расул Мирзо, Абдурасул ҳам отаси каби элпарвар, ватанпарвар инсонлар бўлди.

Мутаржим етти йил девонбеги вазифасида мамлакатни идора этишда фаол қатнашди. Фарзандлари, шоигирдларини ҳам эзгу, савоб ишларга даъват этди. Адабиёт, санъат, маданият ривожига билан боғлиқ тадбирлар бошида турди. Бироқ унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти узоқ давом этмади. Калуга шаҳрида сургунда бўлган Муҳаммад Муродни унинг тарафдорлари яна Хивага қайтарди ва аввалиги девонбегилик вазифасига тайинланишига эришди. Комил Хоразмийнинг шундан кейинги ҳаётида булутли кунлар бошланди. Аммо бу қора булутлар унинг ижодига таъсир қила олмади. Бир неча муддат мирзобошлик вазифасида ишлади. Сўнг хасталиги туфайли хон бу ишни ўғли Муҳаммад Расул Мирзога топширди.

Ижодкор саройдаги фиску фужур, фитна, ивго, тухмат, таъйиклар тасирида жисмонан ва руҳан азоб чекса-да, умидсизликка берилмади, ижодни давом эттирди. Ҳатто умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолса ҳам ўзи қўрдирган қорихонада шоигирдларга Қуръон тилловатини ўргатиб, ўзининг халқ хизматиға камарбаста эканини ҳис қилиб, шундан қаноат топиб яшайди. Эл-юрт хизматида бўлишни сўнгги нафасигача бурч, эътиқод. Ватан олдидаги қарз ва фарз деб билди. 1899 йили 74 ёшида қаного сафар қилди. Ҳаётининг сўнгигача адабиёт ва санъатга садоқат билан яшади.

Фарзандлари — 1922 йилда 89 ёшида вафот этган Муҳаммад Расул Мирзо, 65 ёшида оламдан ўтган Абдурасул номи ҳам халқ орзу-умидлари рўёби йўлидаги хизматлари, ижоди билан эл-юрт ёдида, тарих саҳифаларида муҳрланиб қолди.

Комил Хоразмий аруз вазинининг барча жанрида ижод қилди. Ғазалиёт оламига ўлмас муҳаббат туйғуларни тароватини олиб кириб, авлодларни доимо комил инсон бўлиб етиштишга, маърифатга, эъгуликка чорлади. Бугун унинг сиймоси, маънавий мероси ҳам қайтадан, янгича нигоҳ билан ҳақоний ёритилиб, қайта баҳоланаётгани адиб ижодига муносиб эҳтиром ифодасидир.

Азизбек БАХТИЁР ўғли, журналист



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1146.
34685 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаххис: Акбар Қаршев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 01:25 Топшириқди — 01:25